


# САОДАТ

12  
2020

1925 йилдан чиқа бошлаган



Мөхәр нүфи ётәр дәйм юзиниңдан устозлар,  
Юрсам дәйман бу табаффүк изиниңдан устозлар.





## *Хурматли “Саодат” журнали бosh мухаррифи Мунаввара Ҳисмонова!*

### **Қадрли таҳририят аъзолари!**

Сизни мамлакатимиз хотин-қизларининг энг севимли нашри “Саодат” журнали ташкил топганининг 95 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман ҳамда ижодий фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман!

Айтиш лозимки, аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Шу маънода кеинги йилларда муҳтарам Президентимиз раҳбарлигига юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг барча соҳаларда ўз қобилият ва имкониятларини рӯёбга чиқариши учун шартшароитлар яратиш, давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги ролини янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида “Саодат” журнали ҳам муносиб иштирок этмоқда. Журнал ўзининг салкам бир асрлик улкан ва шарафли фаолияти давомида жамият ривожига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларни тарбиялаш ва уларни ёруғ келажак сари чорлайдиган катта ижодий минбар сифатида муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Шу боис ҳам “Саодат” журналини опа-сингилларимиз ҳаётидан айро тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай давр, ҳар қандай замонда ҳам ушбу журнал ҳамиша ўзбек аёлининг ёнида турди, унинг сирдоши, маслаҳатгўйи бўлиб келди.

Бугун бир ҳақиқатни такрор-такрор айтиш ўринли, деб ўйлайман: “Саодат” журнали ҳали неча-неча асрлар ўзбек хотин-қизларининг севимли нашри, катта ижод минбари бўлиб қолаверади.

Фурсатдан фойдаланиб, таҳририят ходимлари, бу улуғ даргоҳда фаолият юритган устоз ижодкорларни Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги жамоаси номидан “Саодат” журналиниң 95 ёши билан самимий кутлайман.

Барчангизга юксак ижодий парвозлар ёр бўлсин!

Хурмат билан

**Раҳмат МАМАТОВ**

Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазири,  
Сенат аъзоси



## Донишмандлик

## ФАСЛИГА КИРДИК

Болаликниң әңг ёрқин лаҳ-залари хотирамизда сақланиб қолади. Ойнинг қайсиdir бир кунларida Худо умрини узун қилгур онажоним Зулфия ая эшик-элларни бошқача бир ихлос билан тозалар, ўzlари ҳам эгни-бошларига одатдагидан кўра кўпроқ эътибор берарди. Бола тасаввуrim билан англар эдимки, ўша куни почтаки амаки дарвозамидан ташқарida туриб: “Абдуҳоким aka, журнал келди!” – дея овоз берарди. Албатта, эртаю кеч қўли рулда, оёғи тормозда бўлган дадажоним бу пайдада уйда бўлмасдилар. Лекин хонадондаги эр кишининг хурматидан кўчадан келгувчилар онамниң эмас, дадамниң исмларини айтиб дарвоза қоқишарди. Кўпинча дарвозаниң қайси бир жойигадир авайлаб қистирилган журнални олиш учун мен чотиб борардим. Онам уни қўлимдан табаррук бир нарсанни ушлагандек эҳтиётлик билан оларкан:

– “Саодат” келибдими? (Баъзан “Фан ва турмуш”, баъзан “Шарқ юлдузи” ёки “Гулистон” бўларди бу журнallар) Қандай яхши-я, кечикмабди... – деб қўядилар. Аввал бу нашрларга онамниң эътибори боис меҳр қўйган бўлсам, мактабга боргач, ўзим қизиқиб варақлайдиган бўлдим. Онам: – Мана бу саҳифани ўқи, – дея лента тақсан қизалоқларнинг сувратлари бор саҳифаларни очиб берарди. Эртаклар, осон ёдланадиган шеърларни ўқирдим. “Саодат”дан ёдимда ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган бу эртаклар, шеърлардан ташқари, журналнинг биринчи саҳифасидаги соchlари шамолда учеб турган аёлнинг расми эди. Унинг чехрасида одамни ўзига тортувчи бир оҳанрабо бор эди. Балки, бу ботиний ҳурлика интилган аёлнинг шижоатидир... Эҳтимол, оналик баҳти, муҳаббат құдратидан куч олган аёлга хос жозибадир... Ҳар ҳолда, фақат мен эмас, “Саодат” журнали деганда кўпчиликнинг кўз олдига ўша суврат келар экан. Шунинг учун тақдир тақозоси билан 2018 йил баҳорида журналга раҳбар бўлиб келганимда нима сабабдандир саҳифадан олиб қўйилган ўша қадрдон сувратни жойига қўйдим. Ва ҳозиргача муҳлисларимиз нашримизнинг дизайнни ёки мазмун-моҳиятида бўлган ўзгаришлар ҳақидаги фикрларини айтишдан аввал саҳифаларимиз ўша суврат билан бошланганидан хурсанд эканини билдиришади. Жуда кўп азиз инсонларнинг назари тушган, уларнинг заҳмати туфайли кўплаб муҳлислар орттирган “Саодат” журналимиз бугун нуроний бир ёшга кирибди. 95 ёш эл ичидан донишмандлик фаслига хос бўлган давр ҳисобланади. “Ақл ёшда эмас, бощда”, деган наклга ҳеч қандай эътиrozимиз йўқ. Лекин барibir бу ёруғ дунёда кўп яшаган, кўпни кўрган, кўпни бошидан кечирганларнинг ўрни бощқа. Ахир, бежизга “Қари билганни пари билмайди”, демайдилар. Бекорга эл орасида “80 ёшдан ўтганларнинг атрофида фаришталар айланиб юради, шунинг учун уларнинг дуолари ижобат бўлади”, деган гап юрмайди. Қачондир, қайbir муносабат билан айтилиб яшаб қолдими, бу гапларда ҳақиқат бўлади. Эҳтимол, Сиз “Бу гаплар инсонлар ҳақида айтилган, нимага журналга нисбат беряпсиз?” дерсиз. Ахир, журналлар, борингки, газеталар ҳам инсон меҳнатининг ҳосиласи-ку.

Бугун ilk сонининг чоп этилганига қарийб бир асрга яқинлашган “Саодат” журналининг таржимаи ҳолида не-не меҳнатлар, не-не ибратлар, не-не анъаналар бор. Сабр бор, шукроналик бор. Чунки унинг ҳаёт йўли ўзбек аёли босиб ўтиб келаётган йўлнинг бир қисмидир. Дастлабки йилларда “Янги йўл”, “Ёрқин турмуш”, “Ёрқин ҳаёт”, кейинчалик “Ўзбекистон хотин-қизлари” номлари билан муҳлислар қўлига етиб борган “Саодат” журна-

Шундай нашр халқимизнинг маънавий ҳаёти учун ўткинчи ҳодиса эмас, зарурият экан-да! 95 йиллик ҳаёт ҳам ана шу заруриятдан келиб чиқсан, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

лининг ўтмишдоши саҳифаларига Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Иқболхон Акбархўжаева, Фотима Ниёзова, Саодат Шамсиева, Ойдин Собирова каби халқимиз зиёли қизларининг қалб қўрлари, кўз нурлари тўкилди. Уларнинг аксарияти юртимизнинг илғор, истеъдодли кишилари қатори қатагонга учрадилар. Биз бугун опа-сингилларимизнинг қалб қўзларини очиш ниятида мақолалар, шеърлар ёзган, иқтидорли аёлларни жамият майдонига олиб чиқишига, ҳақ-ҳуқуқини танишга даъват қилган, сўзни эзгулик яловига айлантира олган бу заҳматкаш журналистларни, уларга қийин даврда қўшқанот бўлган зиёлилар аҳлини хурмат билан хотирлаймиз.

Журнал вазият тақозоси билан баъзи йилларда тўхтаб қолди, лекин даврнинг тўфонлари тиниб, урушлари тугагач, яна нашр қилина бошлиди. Демак, шундай нашр халқимизнинг маънавий ҳаёти учун ўткинчи ҳодиса эмас, зарурият экан-да! 95 йиллик ҳаёт ҳам ана шу заруриятдан келиб чиқсан, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Адиба Ойдин Собирова устозлик меҳри, ишончи билан топширган журнални ардоқли шоирамиз Зулфияхоним бугунги "Саодат" номи билан аёлларнинг сирдоши, маслаҳатгўйи, дўсти мақомига олиб чиқди. Фақат зиёлилар эмас, юртимизнинг чекка-чекка жойларида истиқомат қиласидиган уй бекалари, онахонлар, чеварлик, пазандаликка ишқибозлар ҳам журналнинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишарди. Чунки унинг саҳифаларида ҳамма ёш, барча касбдаги хотин-қизларга тегишли материаллар бўларди. Холида Ахророва, Дилбар Маҳмудова, Ўғилой Юсуфжонова, Санъат Маҳмудова, Раҳима Шомансурова, Насима Юсупова, Роза Сайфиева, Лайло Салимжонова каби турли вазифаларни адо этган аёллар Зулфияхоним мактабида тобландилар, элга танилдилар. "Саодат" устоз шоира раҳбарлик қилган йилларида бир авлод ижодкорларни ўз бағрида камолга етказди ва бу анъана ҳозиргача сақланиб келади. Анъаналар давом қилгани билан ҳар бир даврда "Саодат"нинг одамларни оҳанрабодек ўзига тортадиган янгиликлари ҳам бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева даврида жамоа ҳаётга кўпроқ таҳлилий кўз билан қаради. Ҳаёт мураккабликларида юзага чиқиб

келаётган иллатлар илдизини очиб, ўз ўқувчиларини уйғоқликка, фикрлашга чорлади. Ва Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Кўчқор Норқобил, Чори Латипов каби ўткир сўзли журналистлар, Дилфуз Шомаликова, Санобар Фахриддинова сингари ижодкорлар билан бирга бу вазифанинг уддасидан чиқди. "Саодат"нинг мавзуларида, албатта, ҳар бир давр берган имкониятнинг ҳам ўрни бор. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева бош муҳаррирлик қилган йилларида журнал бир меҳнаткаш бўлиб меҳнат аҳлиниң ҳаётига кирди. Эл кезди, қувончларидан қувонди, ташвишларига баланддан қараб эмас, кўнгилдош бўлиб шериклик қилди. Кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари Маҳмуда Саъдуллаева раҳбарлик вазифасини адо этганида ҳам, "Шұҳрат" медали соҳибаси Феруза Жалилова бошқарган йилларда ҳам "Саодат"нинг фахр билан айтадиган бир ютуғи бор: журнал истеъдодли ёшларни камолга етказадиган, уларга "Оқ йўл" тилайдиган устозлик вазифасидан чекинмади. Бугун мамлакатимиздаги турли лавозимларда фолият олиб бораётган Мухтарама Улурова, Гулчехра Жамилова, Гулжаҳон Мардонова, Зулфия Мўминова каби эл севган қаламкашлар ҳам, Шарифа Салимова, Дилбар Сайдова, Раъно Раҳмон каби кечагидан кўра ҳам кўпроқ файрат билан ижод қилаётган шоирлару ҳосирлар ҳам "Саодат" дарёсидан сув ичганлар. Улар аслида бу саноқлардан кўп. Ёзётганларимиз фақат рўйхатлардан иборат бўлиб қолмаслиги учун биз исм-шарифларни бирмунча мухтасарроқ қилдик. Аслида "Саодат" қандай ном билан яшаб, қайси даврларда чот этилган бўлса, барчasi аёл ижодкорлар учун парвоз майдони бўлган. Сўзлари қолиб, ўзлари хотирага айланган Саида Зуннунова, Хосият Лутфуллаева, Улибиби Отаева каби қаламкашларнинг, бугун ҳам адабиётимизда ўз ўрнига эга Хосият Бобомуродова, Дилбар Ҳайдарова, Ойниса Ортиқбоева каби аёлларимизнинг қаламлари шу нашрга ёзиб чархланган.

Бугун журналнинг вазифаси яна ҳам залворлироқ, Ўзбек аёли дунёга бўйлаяпти. Ҳатто болалик остонаси-





дан ўтмаган қизларимиз интернет орқали жаҳонни кузатади. Турфа тарафдан ахборотлар оқиб келиб турган замонда "Саодат" ўз ўқувчиларини қандай сақлаб тура олади? Бизнинг атрофимизга жипслашган жамоа, Гулистон Матёқубова, Ибодат Ражабова, Ҳафиза Эгамбердиева, Рисолат Ҳайдарова, Салима Холдорова, Ҳамрохон Мусурмонова, Маъмурда Зоҳидова, Наргиза Асадова, Адиба Умирова каби турли авлодга мансуб ижодкорларнинг қаламидан "қизил ип" бўлиб ўтаётган мавзу қандай? Қанчалик юқори тараққиётга эришмасин, миллатни миллат сифатида ушлаб турадиган устунлари бўлади. Инсонлар янгиликларга интилар экан, замон майдонларида ўз ўрнини топишга ҳаракат қиласр экан, ўша устунларга таянади, ўша устунлардан куч олади. Бизнинг опа-сингилларимизга ҳам аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар бор. Ўша жозибали қадриятларни асрар, бундан юз йиллар кейин ҳам яшаш тарзи юксалган аёлларимизнинг қалбан ўзбек бўлиб қолиши учун ҳаракат қилиш, шу мақсадда ёзиш, қалам ахлинини шу мақсадга йўналтириш бугунимизнинг асосий вазифасидир. Бизнинг – ўзбек аёлларининг қадр-қиммати нимада? Оилапарварлигига, фарзандларига жоннисорлигига, ота-онасиға, умуман ёши улуғларга кўрсатиб келаётган иззат-хурматида. Замон билан бирга қадам ташлаш баробарида, руҳий, жисмоний камолотга эришиш баробарида ўша ўқилдизларимиздан узоқлашмаслик, ҳамиша қадим ўзанлардан баҳра олиб илгарилаш опа-сингилларимизнинг яшаш шарти бўлганидек, "Саодат"га ҳам илҳом бергувчи манбалардир. Бизнинг "Кун нафаси", "Долзарб мавзу", "Олисдаги яқинларимиз", "Жаннатим онам", "Қадрият", "Жаҳон адабиётидан", "Наср", "Яхшилар ёди", "Хазрати инсон ҳазрат аёлдан", "Шеърият", "Психолог минбари", "Оилавий бахт сирлари" каби қатор руҳн остида ҳавола этаётган материалларимиз шу олижаноб мақсадга хизмат қиласди. Ҳеч кимга сир эмас, бутун дунёда бўлганидек, биз ҳам синовли кунларни бошдан кечиряпмиз. Икки йилдан бўён ҳар ойда чот этилаётган журнализмнинг баъзи сонларини пандемия муносабати билан қўшиб чиқардик. Лекин шундай бўлса-да, журналхонларимизга садоқат сақлашга, уларга манзур бўлаётган мавзулардан узоқлашмасликка ҳаракат қилятмиз. Журналда кўп йиллардан бўён ишлаб келаётган ходимларнинг, нашр билан анчадан бўён ҳамкорлик қилиб кела-



ётган ижодкорларнинг айтишларича, "Саодат" жамоаси бир вақтлар яхши иситилмайдиган хоналарда фаолият олиб борган. "Оёғимиз остига электр печка қўйиб, пальтоларда ўтириб ишлардик, ишга қовуша олмай қийнаган пайтларимиз кўп бўлган. Эндиғина пешонамизга иситкич, совуткичли, ёруғ, баҳаво хоналар битди", дея суюнишади аввалги ва ҳозирги шароитни қиёслаганлар. Албатта, буларнинг ҳаммасига меҳнат билан, керакли пайтда керакли ташкилотларга мурожаат қилиш орқали эришдик. Чунки инсон – яшаётган шароитининг бир қисми. Чиройли хоналарда чиройли мақсадлар туғилади. Кўримсиз жойда яшаётган одамнинг кўли ишга бориши, илҳом билан ишлаши осон эмас. Биз, бугун таклифларимизни инобатга олиб, 95 ёшимизга муносаб эҳтиром кўрсатгани учун раҳбарларимизга, хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига, шунингдек, унинг қанотида туриб бизга хайриҳо бўлган барча ташкилотларга миннатдорлик билдирамиз. Шу кунларда таҳририятимизга узоқ-яқинлардан, ўз юртимиздан ташқари, қардош рестпубликалар, ҳатто, Канада, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея каби мамлакатлардан қутлов хатлари келяпти. Биз "Саодат"имизни билган, уни ўқиётган, фикр билдириб, самимий табрик йўллаётган барча мухлисларимизга ташаккур айтамиз. Биз Сиз учун ишлаймиз. Момоларимиздан мерос, оналаримизнинг кўз излари, сўз излари қолган бу иссиқ юзли, гул ифорли, баъзан аччиқланиб гапирса-да, жонингизнинг оғригини эмас, ҳаловатингиз, фарогатингизни ўйладиган "Саодат"ни ҳаётнинг оғир-енгил йўлларидан омон асраб олиб ўтамиз. Ўйлаймизки, бу тоза йўлларда, савобли йўлларда Сиз ҳам бизнинг ёнимизда бўласиз. Оналаримиз бу нашрни бизга севдирганидек, яхши кўрдирганидек, Сиз ҳам муҳаббат элчилар бўлиб қизларимизга шу қайноқ нафасларимизни етказасиз.

"Саодат" зиёсидан тушган шуълалар тобора юксалаётган мамлакатимиз, миллатимиз қувончидан таралиб, ҳаётимизни обод қилаётган нурларнинг бир қисми бўлиб кўнглингизни ёритиб тураверсин!

**Мунаввара УСМОНОВА**



Тожихон Шодиева



Собира Холдорова

Үз даврининг энг фаол, зиёли аёлларидан бири эди. Самимияти, ўткир сўзлари, ташкилотчилиги билан аёлларни тез ўзига жалб қилар, ўзи ишонган ҳақиқатларга бошқаларни ҳам ишонтириш кучига эга эди. У 1927-1929 йиллар орасида “Янги йўл” номи билан нашр қилинаётган журналда масъул муҳаррир лавозимида фаолият олиб борди. У раҳбарлик қилган йилларида журнал хотин-қизларни маърифатга чорлаш, ҳақ-хукукларини танитиш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш борасида энг яхши тарғиботчилардан бирига айланди. Аммо иқтидори, куч-ғайратини халқимиз, хусусан, опа-сингилларимизнинг ўзлигини англашга багишлаган бу аёлнинг кейинги қисмати оғир кечди. У 1938 йилда миллатимизнинг энг сара зиёллари қатори қатағонга учради. Аввал 10 йил муддатга ҳукм этилиб, Қозон турмасига жўнатилди. Инсон боласи дош бериши қийин бўлган азобларни бошидан кечирган аёлнинг жазо муддати тугагач, яна беш йилга Магадан шаҳрига бадарга қилдилар. Тожихон Шодиева 1956 йилдагина она диёrimизга қайтиб келади. Мустабид тузумнинг барча ноҳақликларини кўрган бўлса-да, унинг кўнглида ҳаётга муҳаббат сўнмади, ҳануз ўзини эл-юрт олдида бурчли ҳис қилди ва бир боғдорчилик хўжалигини бошқарди. Унинг порлоқ хотираси “Саодат” журналига тамал тошини қўйган инсонлар сирасида ҳамиша ҳурмат билан ёдланади.

“Саодат” журналининг ўтмишдоши бўлган нашрларга дастлабки йилларда раҳбарлик қилган аёлларнинг бирортасини ҳам қатағон бўронлари четлаб ўтмади, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. “Янги йўл” номи билан чоп этилиб, кўлида қалами бор хотин-қизларни ўз атрофига жипслаштираётган нашрга 1930-1931 йилларда халқимизнинг яна бир қобилиятили қизи Собира Холдорова масъул муҳаррирлик қилди. Сиёсий онги, қалами, минбарлардаги оташин нутқлари бу аёлнинг ҳар жиҳатдан етук, ҳар жиҳатдан тайинланган лавозимига мос эканлигини далилларди. У Москва давлат журналистика институтида ўқиган олий маълумотли журналистлардан бири сифатида ҳам юртимиз учун ниҳоятда камёб, қимматли кадр эди. Аммо мустабид давр унга ўз иқтидорини эзгу йўлда сарфлашга монелик қилди. “Халқ душмани” тамғаси билан эри Мўмин Усмонов қамалди. Унга ўқилган ҳукм билан Собира Холдорованинг ҳам қора кунлари бошланди. Икки фарзанди етимхонага жўнатилиб, мол-мулки мусодара қилинади. Ҳибсоналар ертўлаларида тергов азоблари, қийноқларга дош беролмаган аёлнинг руҳи хасталанади. Бемор, бемажол бир аҳволга тушган бўлса-да, 1940 йилда Ёқутистонга бадарга қиладилар. Тошкентта қайтиб келганидан сўнг ҳам уни яна тинч қўймайдилар, пойтахтдан узоққа сургун қиладилар. Ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам руҳий дард ичидан чиқиб кета олмаган ва шу хасталик билан омонатини топширган Собира Холдорова қисматида озодлик йўлларида сочилиб қолган азиз инсонларнинг қалби, қиёфасини кўрамиз.



*Хосият Тиллахонова*

**Т**аникли маърифатпарвар Мунаввар қорилар қатори мустабид тузумнинг оғир зарбаларига дучор қилинган Салимхон Тиллахонов 20-йиллар матбуотида шеърлари, мақолалари билан анча тилга тушган Хосият Тиллахонованинг акаси эди. Уларнинг ота-она авлодлари зиёли инсонлар бўлишган. Хосият ҳам улар изидан борган. Маърифий масканларда таълим олиб, тугма истеъдодини камолга етказган. 1923 йилда фикрдош, маслакдош инсонлардан бири – Арслон Валиевга турмушга чиқади. 1931-1934 йиллар оралиғида “Янги йўл” журналига масъул муҳаррирлик қиласи. Давр ниҳоятда мураккаб эди. Миллатнинг манглайига тутишга арзийдиган сара ўғил-қизлари ортидан совуқ шартпалар эргашиб юради. Бундай шароитда кичкина бўлса-да бирор жамоага раҳбарлик қилиш, керак пайтда керакли сўзни топиб айтиш, зарур бўлганида ходимларни ҳимоя қилиш учун ботир юрак, қатъият керак эди. Хосият Тиллахонова шундай фазилатларга эга инсон эди. У журнал ётилганича ўз вазифасини сидқидилдан адо этади. 1937 йилда ўғиллари Темур, Олтой, қизчаси Дилбардан сўнг исталмаган туғурукнинг олдини олиш чоғида нобуд бўлади. Замона зайли билан ётилган журнал 1936 йилда “Ёрқин турмуш” номи билан фаолиятини давом эттиради. Демак, Хосият Тиллахонованинг ҳам бошлаган ишлари, яхши ниятлари бошқа номда давом этади.



*Саодат Шамсиева*

**Ў**збекистоннинг чекка бир вилояти – Хоразмда таваллуд топган бу аёл ҳам ёшлик чоғлариданоқ баланд парвозга шайланган эди. Москвага – ўша пайтларда собиқ Иттифоқнинг юраги саналган шаҳарга бориб ўқишга ҳар кимнинг ҳам журъъати етавермас эди. Сабоқларнинг рус тилида олиб борилиши унча-мунча саводхон одамга ҳам таҳсил жараёнида қийинчилик туғдериши мумкин эди. Лекин Саодат Шамсиева барча қийинчиликларни зиммасига олиб, Бутуниттироқ журналистлар институтига ўқишга боради. 1933 йилда Янгийўл шахрида чот этилаётган “Янги йўл” газетасига сўзлари бутун-бутун, дадил бир аёл кириб келади. Орадан бироз вақт ўтиб унинг имконияти шаҳар газетасида фаолият олиб боришдан кенгроқ экани аён бўлади ва уни 1936 йилда “Ёрқин турмуш” номи билан чот этила бошлаган журналга раҳбар этиб тайинлайдилар. Бу аёл Саодат Шамсиева эди. Қайсиdir даврларда “Саодат”га ўтмишдош бўлган журнallарнинг раҳбарлари масъул муҳаррир, бошқа бир замонларда эса муҳаррир дея аталган. Лекин биз номларни зикр қилаётган аёлларнинг хотин-қизларнинг ягона нашрига бошчилик қилгани, зиммасидаги вазифани шараф билан баҳаргани ҳақиқатдир. Саодатхон ая кейинчалик ҳам, яъни 1956-1960 йиллар орасида “Ўзбекистон хотин-қизлари” журналида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида фаолият олиб борган.



Фотима Ниёзова

Үтгән асрнинг 20-йилларида халқымиз орасидан отилиб чиққан зийрак, зукко қызларнинг аксарияти хотин-қызлар билим юртида таълим олишарди. Билим юртида олган таҳсил улар учун катта имконият ҳисобланар эди. Шундай билимгэ эга аёллар тарғибот-ташвиқот йўналишидаги тури жабҳаларга йўлланма билан юборилар эди. Фотима Ниёзованинг чекига анъаналар ниҳоятда событ сақланадиган Бухоро вилояти тушади. Ва у Бухоро хотин-қызлари орасида билимдонлиги, халқчиллиги билан хурмат қозонади. Ишчанлиги, ўзига топширилган вазифани уddeлдай олиши раҳбарларнинг ҳам эътиборини тортади. Уни “Ёрқин турмуш” номи билан аёллар ҳаётига кириб бораётган журналга чорлайдилар. Фотима Ниёзова бу нашрда аввал масъул котиб, кейинчалик, яъни 1938-1939 йилларда масъул мұхаррир лавозимида фаолият олиб боради



Саодат

6 · 1980



Иқбол Акбархўжаба

Иккинчи жаҳон уруши арафасида собиқ Иттифоқ республикалари зиммасига катта-катта вазифалар юклатилди. Жумладан, бизнинг республика-миз ҳам хомашё базаси сифатида пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик каби соҳаларни ривожлантириши шарт эди. Ва бу ҳаракатда эр кишиларимиз бараваридан аёллар ҳам иштирок этиши кўзда тутилган эди. Маълум даражада, ўз даврининг овози бўлган матбуот ҳам ана шу вазифаларга камарбасталик қиласиди. Хотин-қызлар билан ишлаб, бирмунча тажриба орттирган Иқбол Акбархўжаевани 1938 йилда “Ёрқин турмуш” журналига мұхаррир этиб тайинлайдилар. У бу вазифани 1941 йилгача адо этади. Журнал давр ҳавосидан нафас олиб яшаса-да, аёллик, оналик ҳаётидан бутунлай узоқлашиб кетмади. Бувилар, оналар, қызларга ҳаёт йўлларида йўлчироқ бўладиган сўзларни топиб айта олди. Иқбол Акбархўжаева ана шу жараёнга қилган раҳбарлиги билан журналимиз тарихида қолади.





*Ойдин Собирова*

Уни халқимиз, аввало, адабиа сифатида яхши танийди. 1925 йилдаёк “Янгиликка қадам” драмаси саҳнага қўйилган Ойдин Собирова кейинчалик “Садағанг бўлай, командир”, “Ямоқчи кўчди”, “Чақалоқча чакмонча”, “Ширин келди” каби ҳикоялари билан китобсеварлар орасида машҳур бўлиб кетди. Адиба аввал “Саодат”га оналик қилган нашрнинг фаол муаллифларидан бири эди. Унинг кўпгина ҳикоялари шу журнал орқали ўз ўқувчилари ни топди. 1950-1953 йилларда эса журналга масъул мұҳаррирлик қилди. Кейинчалик Ойдин Собированинг лавозимига тайинланиб, унинг ишларини давом эттирган Зулфияхоним адабани ўзига устоз деб биларди. Ойдин Собировага атаб ёзган шеърларида ўзбек насли, ўзбек журналистикасининг ривожига ўз асарлари, қолаверса, хотин-қизлар нашрининг давом этиши, узилиб қолмаслиги, янги номлар билан бойишида алоҳида жонбозлик қилган инсонга катта эҳтиром ҳисси акс этади.



*Зулфия Исройлова*

Ўзбек халқининг севимли шоираси, таникли жамоат арбоби Зулфия Исройлова 1915 йил 1 март куни Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Даставвал хотин-қизлар билим юритида, сўнг 1935-1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. Иш фаолияти давомида болалар нашриётида мұҳаррир, Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим бошлиги, 1950-1953 йилларда эса “Ўзбекистон хотин-қизлари” (“Саодат”) журналида бўлим бошлиги. 1953-1985 йилларда эса бош мұҳаррир бўлиб фаолият олиб борди. Зулфия илк тўплами “Ҳаёт вараклари” билан Ойдин, Музайяна Алавия, Хосијат Тиллахоновалар сафига кириб келди. Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди.

Шоира “Шеърлар” ва “Қизлар қўшиғи” каби поэтик асарларини она Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг қайноқ ҳаётларига бағишлийди. Уруш даврида шоиранинг “Уни Фарҳод дер эдилар”, “Хижрон кунларида” каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона бўлди. Тўпламдаги шеърлар Ватанга мухаббат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч руҳида яратилганлиги учун жанггоҳлардаги аскарларга ҳам, фронт ортида меҳнат қилаётган аёллар, оналарга ҳам умид баҳш этди. Зулфиянинг “Менинг Ватаним”, “Бизни кут” каби жанговар шеърлари уруш даври ўзбек шеъриятининг руҳини ифодаловчи асарлар қаторидан ўрин олган. Шоиранинг урушдан сўнгти йилларда ёзилган “Далада бир кун”, “Тонг қўшиғи” каби бир қатор шеърлар туркуми, “Мен тонгни куйлайман”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Куйларим сизга” тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараённида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади. Унинг “Сўроқлайди шоирни шеърим”, “Ойдин”, “Қуёшли қалам” каби очерк ва достонлари Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжоннинг “Семур”, “Зайнаб ва Омон” достонлари асосида саҳна асарлари ҳам яратган. Зулфия “Ўйлар”, “Шалола” каби шеърий мажмуалари учун давлат мукофоти совриндори бўлган. Тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққий-парвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро “Нибуфар” мукофотига сазовор бўлган. Шоира 1956 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг Дехлида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машҳур “Мушоира” асарини яратди. Ҳиндистоннинг Неру мукофоти билан тақдирланган устоз шоира истиқлол йилларида Ватанимизнинг “Дўстлик” орденига сазовор бўлди.

Атоқли шоира 1996 йил 1 августида 81 ёшида вафот этган.



*Ҳалима Ҳудойбердиева*



*Оидин Ҳожсиева*

**Ў**збекистон халқ шоири. “Саодат” журналига 1985-1994 йиллар орасида бош муҳаррирлик қилган. Шоира кейинчалик журналга тақдим қилган “Саодат”ли йилларим” рукнида чоп этилган мақоласида ўзи раҳбарлик қилган даврни шундай хотирлайди:

“Ҳаётимдаги энг ёрқин, энг завқли хотирашарим “Саодат” журнали билан боғлиқ. Бу нашр таҳририятига китобхонлик, зиёлилик моҳиятини теран аংглаган лаҳзаларим – камолот фаслимда кириб келганман. Журнал жамоаси менга таниш, қадрдан, аввалдан келиб-кетиб юрган жойим эди. Лекин вазифа, лавозим (“Саодат”га аввал бош муҳаррир ўринбосари, кейинчалик бош муҳаррир лавозимига тайинландим) юки билан ишлаш, яшаш менинг ҳаётимда ўзгача бир саҳифа очди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда эди. Бугуни кечасига, эртаси бугунига ўхшамаган, одамлар нималарнидир ўзгартириш, янгилашга ошиқаётган ҳаяжонли давр эди. Бундай кайфиятдаги замондошларимиз эҳтиёжига яраша “Саодат”ни тақдим этиш учун, энг аввало, жамоани янгиладим, яшартирдим. Бугун жамиятимизнинг қон томирларига туаш жабҳаларда фаолият олиб бораётган Эшқобил Шукур, Қўчқор Норқобил, Салим Ашур, Чори Латипов каби адид, шоир ва журналистларнинг “Саодат”дан бошланган ҳамкорлиги ҳануз давом этмоқда. Биз ўша пайтда жамиятнинг улкан оғриқларини журналишимиз саҳифаларига олиб чиқдик. Аёлларимизнинг ҳаётларидағи муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақидағи таҳлилий мақолаларимиз жамиятимизда катта акс-садо берди”.

**Ў**збекистон халқ шоири. “Саодат” журналига 1994-2012 йилларда бош муҳаррирлик қилган. Шоиранинг журналда чоп этилган “Сұхбатлары офтобдек эди” мақоласини ўқисангиз, бу нашрнинг ҳаётида қолдирған излари ҳарорати, муҳаббатини сезасиз.

“9 йил Зулфияхоним қанотида бўлим мудири бўлиб ишладим, тобландим. Сиз шоирасиз, энди сизни журналист сифатида чиниқтирамиз, дердилар меҳрибон ва талабчан устозим.

Тақдир экан, бир кун келиб бу журналга раҳбарлик қилиш баҳти менга ҳам насиб этди. Бу табаррук даргоҳ менга битмас-туганмас кувонч, куч-қувват бағишлади. Юртимиз аёллари билан ҳаяжонли учрашувлар, янгидан-янги мавзулар, муаллифлар топиш севинчи бизни руҳлантирад, барчамизга илҳом берарди. Жойларда “Саодат”нинг вакиллари кўпгина шикоят ва аризаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам қилишарди. Одам кўнгли тўлиб, яйраб ишлаганга нима етсин! Ўша қизғин мөхнатли йилларимни соғиниб эслаб юраман. Аёлларнинг даврларида, учрашувларда ҳалқимиз ҳаётининг гўзал ва бетакрор қирраларини англаб, қалбим ифтихорга тўлди, маънан бойидим, ижодимга ранг-баранг оҳанглар кириб келди. Менинг учун саодатли кунлар эшик очди...”



*Ферузза Жалилова,  
"Шурхат" медали сохиби*

# 2014

йилдан 1918 йил май ойигача "Саодат" журналига бош муҳаррирлик қилган. Узоқ йиллар "Тонг юлдузи" газетасида фаолият олиб борган, асосан болалар нашрларида қалами чархланган кўп йиллик анъаналарга эга "Саодат" журналида ишлаш Ферузза Жалилованинг ижодида янги саҳифа очди. Унинг ўзи бу даврни шундай эслайди:

– Мен ҳаётга болалик кўзи билан қараб ўрганган эканман. Дастроб журналимиз қаҳрамонларини ҳам улғайган болалик тарзида тасаввур қилиб юрдим. Йўқ, катталар олами анча мурракаб экан. Мен ўша оламга кирдим. Опа-сингилларимизнинг дарду қувончларига шерик бўлдим. Бу ҳаётда аёл бўлиб яшаш осон эмаслигини, аёл дегани сабр-бардош, матонат, баҳт учун, оила, фарзанд учун курашиб яшаш, дегани эканлигини англадим. Онани баҳтли қилиш учун, қизларни саодатли қилиш учун оиласда ўсаётган ўғил болалар тарбиясига катта аҳамият бериш керак, деган ҳаётий хулосамни журнал материалларига сингдиришга ҳаракат қилдим. Инсон, айниқса, қалами бор одам бирор ташкилотда насибаси қўшилиб, бир йил ишлайдими ё икки йилми, ўша давр барибир яшаган ҳаётининг бир қисми бўлиб қолади. Қадрдонлашиб қолган жамоа, озми-кўпми, меҳнатим сингиган нашр сифатида "Саодат" ни қадрлайман.



“Саодат” журналининг 95 йиллик байрами қувончларига янги йил арафасида яна бир қувонч қўшилди. Устоз шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Кутлибека Раҳимбоева “Меҳнат шурхати” ордени билан тақдирланди. Опа биз учун тирик тарих, асрдан асрга “Саодат” ни опичиб ўтган заҳматкаш ижодкорлардан бири. Зулфияхоним давридан то шу кунга қадар бу даргоҳда фаолият юритиб, шодлигу ташвишига шерик бўлган, қоқилса кўл узатган, ўксиган пайтида юраги тафти билан кўнглини илитган, ўттиз ийлдирки, журналнинг ҳар бир сатрига кўз нурини нисор қилган, елқадош бўлган инсон учун муносиб мукофот қутлуг бўлсин!





*Нам Кәфимов,  
филология фанлафи доктори*

### *Мұхтарама Саодатхон опа!*

**С**изнинг қарийб 100 ёшга тұлаётганингизни, невара-чевараларингизнинг Сизни күтлаш ва муборакбод этиш учун гул бозорларидағи әңг сара, әңг нағис, әңг шүшбүй гулларни териб олиб, ҳаммаёқни шипшийдам қилаётгандарини эши-тиб, ҳангу манг бўлиб қолдим. Назаримда, куни кеча Ойдин опа, Зулфия опа, Ҳалимахон туғилган кунингиз муносабати билан Сизга ўн саккиз ёшли қизлар киядиган әңг модний либосларни дўконма-дўкон ахтариб юришган эди... Воажаб, бирпасда шунча йилни, шун-ча замонларни бошингиздан ўтказиб, муборак 95 ёшга кирдингизми?

Келинг, Сизни опам деб ардоқлаб келаётганим учун дока рўмолингиз этагини ўтиб, олиб келган гулларимни оёқларингиз остига ташлай, опажон!

Қани энди, миллионер бўлганимда, ҳашаматли сарой қуриб, ҳаммамиз учун шу қутлуғ кунларда Сизни шу саройга кўчириб, пар ёстиқдек юмшоқ шоҳона ўтиргичларга ўтқазиб, бошингиздан тилла тангаларни сочсам.

Сиз дунёга келиб, этак-чечак қила бошлаган кунлардан бошлаб ўзбек қизларининг бошларини силадингиз. Ҳозир уларнинг кўпти олималар, шоиралар, муаллималар, артистлар, дўхтирлар бўлиб етишди. Ҳозир улардан дунёга келган невараю чевараларингиз мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида тер тўкиб, халқимизнинг дуосини олиб юришибди. Сиз ҳозир ҳам ўзингизнинг ширин сўзларингиз, маслаҳатларингиз, насиҳатларингиз билан уларнинг матонат билан ишлашларига, саодат чашмаларидан баҳраманд бўлиб яшашларига мадад бериб юрибсиз.

Худо хоҳласа, Сиз 100 ёшга тўлган кунингизда мен невара-чевараларингиз кўмагида Сизга ўша ҳашаматли саройни қуриб бераман. Ва Сиз бир гала невара-чевараларингизни атрофингизга тўплаб, азиз умрингиз давомида кўрганингиз яхши одамлар, яхши воқеалар ҳақида гапириб, уларнинг гуп-гуп уриб турган юракларига ўша яхши одамлардан мерос бўлиб қолган ажойиб инсоний фазилатларни пайванд этасиз. Бундан ортиқроқ хайрли иш бўлмайди, опажон!

Ўша кунларгача сочингизнинг бир толаси ҳам тўқилмасин, пешонангизга ажин тушмасин, тилингиздан шакар аримасин.

Ўзбек хотин-қизларининг баҳтига омон бўлинг, азиз Саодатхон опа!

Хурмат ва эҳтиром билан академик укангиз.



# Баҳор келди сизни сўроклаб



**Мақсад ҚОРИЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими  
(1926–2010)

*Яна баҳор келди, гул фасли. Қаранг, она табиат янги тушган келинчакдек безаниб олди.*

*Ҳар йил баҳор, шу кўркам фаслнинг кўйчиши, севимли шоирлариз Зулфияхонимни эслаймиз.*

Зулфия опа умр бўйи қўйлади, ёниб-куйиб яшади, ижод қилди. Она-Ватан муҳаббати, инсонийлик, эзгулик, вафова садоқат унинг назм дафтари сатрларига айланди. Зулфия опа ҳаётга қўшиқ бўлиб туғилган, туриш-турмуши, бутун ҳаёти ҳам қўшиқка, ҳа, сўнгсиз, адо бўлмас дилрабо куйга ўхшарди.

Зулфия опа баҳорни, гўзалликни севарди, гуллар шайдоси эди. Баҳор айёми, Наврӯз кунлари анвойи гуллар кўтариб севимли шоирлариз нинг хонадонига табриклаб борар эдик. Эҳтиром ва эътибор билан, ширинсуханлик билан кутиб олар эдилар.

– Келиб бизни хурсанд, кўнглимизни обод этдингиз, – дердилар.

Сира ёдимдан чиқмайди: “Ўзбекистон овози” газетасида ишлаган кезларим газета саҳифасида “Ёзувчи ижодхонасида” рукнини ташкил этганимиз. Ўзбекистоннинг энг атоқли шоирлари, ёзувчилари – Ойбек, Faafur Fулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Зулфия, Миртемир ва бошқа ижодкорлар ўша саҳифада ўзларининг янги ёзган асарлари билан қатнашар эдилар. Бу адиларимизнинг гўё газета майдонидаги қизғин мусоҳабасига айланиб қолгандай эди, десам, хато бўлмас. “Ижодхона”дан чиққан шу ижод намуналари ичida Зулфия опа тайёрлаб берган материаллар айниқса, салмоқли, бадиий жиҳатдан анча бақувват бўларди. Ўшанда Зулфия опанинг ўз ижодига нақадар масъулият билан қараганлиги билиниб турарди.

Зулфия опа Ўзбекистонимиз шаъни-шуҳратини оламга олиб чиққан ўзбекнинг ақл-заковатли, оқила қизи эди. Унинг замон нафаси билан

йўғрилган, қитъалар оша тинчлик, қардошлиқ, инсонийлик фояларини тараннум этган “Мушоира” шеъри халқаро Неру мукофотига сазовор бўлди.

Республикамида чоп этилиб келаётган севимли журналисимиз “Саодат”ни саодат қилган ҳам, эл-юртимизда энг ардоқли нашрга айлантирган ҳам Зулфия опадир. Зулфия ва “Саодат” – бу иккиси гўё бир мазмун касб этган. Энг муҳими, “Саодат”нинг ижодхонасида, мактабида шундай ажойиб журналист, ёзувчи, шоирлар етишиб чиқдик, унда унинг жонкуяр, қуюнчак, талабчан ва истеъоддли муҳаррирнинг хизматлари бекиёсdir. Ҳақиқатан ҳам, “Саодат” ёшлар учун ҳақиқий дорил-фунун бўлди. Эл-юртга машҳур бўлиб кетган шоира ва журналистлар Холида Ахророва, Эътибор Охунова, Олмос Аҳмедова, Гулчехра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Раҳима Шомансурова, Санъат Маҳмудова, Дилбар Саидова, Раъно Раҳмон, Мухтарама Улуғова, Қутлибека Раҳимбоева... Булар барчаси “Зулфия қизлари” мактабини ўтаган қалам соҳибалариридир.

Бир қуни “Саодат” журналига деб “Сурнай навоси” деган ҳикоя ёзиб, Зулфия опа ҳузурларига бордим. Муҳаррир ҳикояни ўқиб чиқиб, ўз фикрларини билдирилар. Шунда негадир ҳикоя баҳона шоир Ҳамид Олимжон билан биринчи бор танишганларни тарихини сўзлаб бердилар.

– Бир мўътабар йигинга бироз кечикиб бордим. Қарасам, одамлар кўп, жой йўқ. “Менинг ёнимга келинг”, деб қолди кимдир. Қарасам, атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон

екан. Ўтиридим, бироз ҳаяжондаман. Қўлимдаги кийим-бошимни топширган номерни ҳадеб ўйнайверган эканман, Ҳамид Олимжон гашлари келибми, буни кўп ўйнаманг, дегандек қўлимдан олиб чўнтакларига солиб:

– Сизга ҳалақит беряпти, ҳали мажлисдан кейин берарман, менга ишонаверинг, – дедилар кулиб.

Мажлис тамом бўлгач, ташқарига чиқдим. Қарасам, ҳеч ким йўқ, номерим Ҳамид Олимжонда қолган. Кийимларимни ололмай анча кутиб турдим. Ҳамма бирин-кетин чиқиб жўнаб кетди. Мен ўнгайсиз ахволдаман. Шу вақт Ҳамид Олимжон чиқиб кийимларимни олди-да, жўмардлик билан пальтомни кийгизиб кўйди. Кейин: “Яёв кетамиз, – деб қолдилар. – Йўл-йўлакай сўзлашиб борамиз”. Ўшанда уйимга қадар кузатиб қўйдилар. Бу кейинчалик умрим, шеърим мазмунига айланган Ҳамид Олимжон билан биринчи учрашувимиз эди. Юлдузимиз юлдизимизга тўғри келган экан, турмуш қурдик. Фикримиз ҳам, қарашларимиз ҳам, маънавий дунёмиз ҳам уйғун эди. Ана шу яқинлик бизни бирлаштирган бўлса, ажаб эмас.

Бир куни газета раҳбари сифатида Зулфия опага қўнғироқ қилиб, аллақайси тадбирга атаб шеър ёзиб беришни илтимос қилдим. олган жавобим кўз ўнгимда шоира қаддини яна ҳам юксалтириди:

“Биласизми, мен буюртма билан шеър ёзмайман, дилимга ёқкан, қўнглим кўтарган мавзуларда бўлса, марҳамат, ёзиб қўйган тайёр шеърларим ҳам бор”, – дедилар.

Унинг ўз йўли, усули борлигини, бетакор шоира эканлигини, бошқачароқ қилиб айтганда, ўзбек элининг яккаю ягона, эрка шоираси бўлганини шу сўзидан ҳам билса бўларди.

“Ибн Сино” романим чоп этилгач, бир нусхасини олиб ва яна гул кўтариб уйларига бордим. Иқтидорли, меҳрибон қизлари Ҳулкар ҳам ўша ерда экан. Дастурхон атрофида узоқ сухбатлашиб ўтирик. Шундан бир неча кун ўтгандан сўнг “бир келмайсизми”, деб телефон қилиб қолдилар. Учib бордим. Ўзлари стол бошида фариштадардек чиройли бўлиб ўтирибдилар. Олдиларида ўша мен тақдим этган китоб.

– Ўқиб чиқдим. Табриклайман. Яхши мавзуга қўл урибсиз. Улуғ ҳаким ҳақида беҳисоб китоблар ёзилган. Сиз бадиий оҳангга солибсиз, – дедилар. – Биласизми (Зулфия опа кўпинча гапларини шундай бошлар эдилар), одамлар менинг ижодим ҳақида сўзлашмай, садоқатим ҳақида гапиришади. Бу, албатта, мен учун жуда муҳим. Чунки менинг садоқатим Ҳамид Олимжоннинг ижоди билан боғланиб кетган. Уни ўйқотиб қўйганимдан сўнг умрим бўйи унинг дарди билан куйиб-ёниб яшадим. Шеърларимда ҳам қадрденинг руҳлари бор, – дедилар шоирамиз.

Буюк истиқлолимиз ижодкорлар учун яна ҳам кенг имкониятлар берди. Эркин фикрлаш,

ижод қилиш, айниқса, миллий анъаналар, одатларимизга эътибор-эътиқод ошди. Ҳақиқий тарихимиз тикланди. Зулфия опанинг муборак саксон йиллиги “Туркистон” саройида зўр тантана билан нишонланди. Ҳурмат-эътибор, айниқса, Президентимизнинг шоирага йўллаган меҳрли табриги унинг руҳиятини яна ҳам кўтариб юборди. Ўша кезлари шоиранинг ўзига сифмай, саодатли кунлари яна қайтиб келгандай қувонгандарини кўрсангиз эди. Тантанали йигин сўнгига шоирамизнинг сўзлаган оқилона нутқи ва шеърий сатрлари ҳамон ёдимизда.

Мана ўша йигинда шоира дилидан чиққан меҳрли мисралар:

Бу оқшом пориллар дил нурингизда,  
Дийдор баҳти насиб яна Сиз билан.  
Турибман, азизлар, ҳузурингизда  
Ҳамон ўтлиг кўнгил, ёргу юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим – шеър.  
Сочимда, чеҳрамда ийлардан нишон,  
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,  
Орзуларим карvon, сарбоним – ишонч...

Зулфия опанинг шогирдлари юбилей кунлари “Эҳтиром” деган тўплам чиқардилар. Унда севимли шоирамизни билган, ҳурмат ва эҳтиром этган оламга машҳур шоиру фузалоларнинг, содиқ шогирдларининг эсадаликлари, мақолалари жамланган.

“Эҳтиром” тўпламини Зулфия опа ўз муборак дастхатлари билан менга ҳам тақдим этган эдилар. Уни китоб жавонимнинг энг кўримли жойида эҳтиётлаб сақлаб қўйганман. Ўша дастхатда шундай дейилган:

“Шоира қизларим бизга ажойиб тухфа қилдилар. Уни мен Сизга ҳам тақдим этгим келди... Омон бўлинг, Зулфия, 20.VI.95 йил”.

Баъзан “Эҳтиром” тўпламини қўлга олганимда юрагим узилиб кетгандай бўлади. Шоирамизни, дона-дона сўзларини, меҳрли қарашларини, “Саодат”даги муҳаррирлик ўринидигига ярашиб ўтиришларини эслайман. Зулфия опа доимий ишловчан, жонкуяр, ўта талабчан муҳаррир, раҳбар эдилар. “Саодат” да ҳеч қачон саёз, ўқиса ҳам, ўқимаса ҳам бўладиган “ўрта” мақола ё бадиий асар босилмасди.

Сўнгги марта шоирамиз касалхонада бетоб ётганларида борганман. Қўлимда бир сават оппоқ гуллар. Аммо кўриш насиб этмади. Ҳулкар чиқди, қўзларида ёш...

– Аямнинг соғлиқлари яхши эмас. Кирмай қўяқолинг...

– Бўлмаса мана шу гулларни олиб кириб хоналарига қўйинг, Зулфия опам гулларни яхши кўрар эдилар, – дедим.

Зулфия опа биз учун ҳамиша ҳаётлар. Баҳор билан, ёруғ тонг билан, биз билан бирга, ёнимизда, қалбимиз тўридалар.

2006 йил



*Алмаз Ұлви Бинатова,  
филология фандағы доктори, профессор.  
Озарбайжон.*

**А**зиз ва ҳурматли Мунаввара хоним, севимли “Саодат” журналининг таҳририят ходимлари!

Хитой мунажжимларининг башоратларига кўра, келаётган йилимиз “Оқ буқа йили” ҳисобланар экан. Оқ буқа фаровоңлик, тўқислик, кут-барака рамзиdir. Янги йил ҳам шу рамзларга монанд ҳар бир хонадонга тўкинлик, ҳар бир инсонга саломатлик ато этсин! Яратган эгам ҳар бир бандасини ўзи орзулаган шодлик билан севинтири-син, баҳтиёр этсин! Касб-кори орқасидан ҳар инсонга бекамлик, иззат-обрў топиш насиб этсин! “Саодат” журнали ҳеч муболагасиз, ўзбек хотин-қизлари ҳаётининг солномаси сифатида қадрлидир. Бу солномага яқинроқ борганимиз сари унинг яна бир фазилатини кашф этамиз: “Саодат” чин маънода нозик дидли, оиласпарвар, айни чоғда ўқи-мишли хонимларнинг кўнгил дафтариdir. Биз бу дафтарни ўқиганимизда бегона бир қалб оламига киргандек ҳис қилмаймиз ўзимизни, балки, қадрдон, таниш дунёларда кезингандек бўламиз. Чунки биз тили, дини, қони бир бўлган қардош халқлармиз. Бизни бир ота-онанинг ака-ука, опа-сингил фарзандлари деганлар ҳақ гапни айтган бўлишади. Бу қондошлик бизни севинтириш билан бирга зиммамизга янги вазифалар қўяди. Биз халқларимиз орасидаги бу дўстлик ришталарини яна ҳам мустаҳкамлашга бурчлимиз. Фақат ўзимиз эмас, ўғил-қизларимизга ҳам шу муқаддас ҳисни сингдиришимиз шарт, токи бу дўстлик, бу қардошликтининг умри узун бўлсин! Бу дўстлик, бу қардошлик дунё саҳнаси, ижтимоий ҳаёт майдонида ижобий бир кучга айлансин. Бу куч барча халқларнинг тинчлиги, оиласлар фаровоңлиги, фарзандлар камоли учун хизмат қилсин!

Менинг “Саодат” билан боғлиқ қувончу тилакларим кўп. Журнал ҳамиша ўз саҳифаларидан Озарбайжон ёзувчилари ва шоиrlари асарларига катта ўрин бериб келади. Ўзбек ўқувчиларининг бизнинг ижодкорларимизни яқиндан таниши, ижодидан мунтазам баҳраманд бўлишида бу нашрнинг катта хизматлари бор. Истар эдимки, биздаги илим йўлида фидойилик қилаётган олималар ҳам “Саодат”нинг эътиборида бўлса, қардошларимиз уларнинг изланишлари ўлароқ яратилган асарларидан-да баҳраманд бўлишса. Ўз навбатида биз ҳам ўзбек олималарини халқимизга таниширишдан баҳтиёр бўламиз.

Қадрли “Саодат”! Улуғ ёшинг билан яна бир бор табриклайман! Бир онаси ни яхши кўрадиган қиз ўз волидасига қанча меҳру муҳаббат изҳор қилса, менинг ҳам сенга атаганларим шунинг ўзиdir!



# Дилдан дилга ташланган кўприк

**Ш**оира Зулфияхоним бир шеърида дилдан дилга ташланган кўприкни энг мустаҳкам боғловчи сифатида таърифлайди. Дарҳақиқат, сўз билан, шеър, мусиқа билан бир-бирига яқин, бир-бирига қадрли бўлган халқларнинг дўстлиги самимий бўлади. Ана шу дўстликнинг бардавомлиги йўлида хизмат қилаётган инсонларнинг ҳам икки дунёси обод эканлигига шубҳа йўқ. Чунки эл-элатларнинг, миллатларнинг биродарлиги боис дунёда ҳам тинчлик ҳукмронлик қиласди.

Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор Алмаз Улви Биннатова кўп йиллардан буён қардош халқлар маданияти, маънавиятининг муштарак илдизларини аниқлаш, ўзларига ўзлигини танитиш орқали бир-бирларига яна ҳам яқинлаштириш йўлларида фидокорона меҳнат қиласди.

Олиманинг “Захириддин Муҳаммад Бобур ва XVI аср адабиёти”, “Шарқ тазкирачилик тарихидан”, “Озарбайжонча – ўзбекча, Ўзбекча – озарбайжонча лугат”, “Икки халқ фарзанди – Мақсад Шайхзода” каби ўнлаб китоблари, 300 дан зиёд илмий мақолалари юртимизнинг илм аҳли учун, зиёлиларимиз учун ҳам жуда қадрли.

Алмаз Улви Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Бердақ номидаги Нукус давлат университети каби илм даргоҳларимизда талабаларимизга дарслар ўтган.


Ўзбек замини ва ўзбекистонликларни ўз халқидай қадрлаб шоиралар, олималар билан самимий борди-келди қиласидан ва бу яқинлиқдан фуурурланадиган, тарихимиз, айниқса, ҳазрат Алишер Навоий ижодига айрича ихлос билан ёндашиб, чукур тадқиқотлар олиб бораётган, бугунимизнинг муваффақиятларидан суюниб яшаётган қадрдонимиз Алмаз Улвихоним умрининг бир нурли бекатига етибди.

Муҳтарама Алмаз Улви хоним!

Сизни “Саодат “журнали жамоаси номидан таваллуд айёмингиз – икки карра ўттиз ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Қалбингиз, меҳрингиз ҳароратидан унгун гуллар юртларимиз боғларини мангувашни турсин! Сизни севган юракларнинг муҳаббат шуълалари ҳаёт йўлларингизни ҳамиша ёритаверсинг! Биз илдизларимиз, яна ҳар нафасимиз билан Сизники бўлганимиздай, Сиз ҳам бизникисиз!

**Эҳтиром билан, “Саодат “журнали таҳририяти.**





*Энахон Сиддикова,  
Ўзбекистон халқ шоиғи*

Элни эл, миллатни миллат қылгувчи, эркакни буюк ишларга отлантирувчи ҳазрати аёлдир. Агар аёл адашса, миллат адашади. Ўзбек аёли салкам бир аср давомида бошидан ўтказган довул, бўрон, оғир синовлардан собит иродга, матонат билан бугунги озод кунларга ёргу ўз билан етган экан, бу йўлларда унга руҳий мадад, ақл-тафаккур чироги бўлган, саодатли манзилга етаклаган севимли журнал “Саодат” дир.

Асрлар, замонлар айланиб, унинг саодатли манзили миллат аёллари га эзгулик ошёни бўлиб қолаверсин!



*Зулайҳо Бойхонова,  
Ўзбекистон халқ афтисти*

“Саодат” менга онам каби мукаррамдир.

Интернет саҳифаларида севимли “Саодат” журналининг 95 ёшга кирганини ўқиб, юрагим орзиқиб кетди. Онам, маҳалладаги аяларим, болалигим ёдимга тушди. Ўнимизга журнал келган кун шодлик бўларди. Кўни-кўшнилар ҳам чиқиб навбат билан ўқишарди. Баъзида кимдир овоз чиқарип ўқиса жон қулоғи билан тинглашарди. Ўндаги шеърларни кўчириб олиб ёдлашни яхши кўрардим. Турли лиbosлар бичимиға берилган андазалар кўпчиликнинг қўлига игна, ит тутқазган ўшанда. Муқовада чиқсан аёлларни кўрган онам бизга: “Бу журналда мана бундай расм чиқиши учун кўп меҳнат қилиш керак. Ҳалол бўлиб, эл ичидаги одам мана шундай ҳурмат топади”, – дердилар.

Онам яхши кўриб токчасига териб қўядиган она журналим, илоҳим минг ёшга киргин. Яхшилардан қолган меросим, сени ҳам-мамиз яхши кўрамиз!





*Сайёфа Ҳоджасаева,  
Демократия ва инсон хуқуқлари  
институти директори*

Ўзбекистон аёлларининг севимли журнали «Саодат»нинг 95 йиллиги билан самимий табрикларимизни қабул қилинг! Раҳматли онамнинг энг яхши кўрган журнallари эди. Ҳар янги сони нашрдан чиқишини интизорлик билан кутар эдилар. Журнални ўқиб бўлғанларидан кейин авайлаб китоб жавонига тахлаб қўяр, тез-тез саҳифаларини варақлаб турганига кўзим тушарди. Энди билсам, фарзанд дунёга келиши, гўдак парвариши, пазандачиликдан тортиб чеварлик хунарини ўрганишда хотин-қизларга кўмакчи ва устозлик сабогини берган журнал экан «Саодат». Ҳозир давр ўзгарди деймиз, интернет саҳифаларидан бирзумда хоҳлаган маълумотга эга бўламиз, аммо газета-журналларда ўқиш инсон онгига бошқача таъсир қиласи.

Энг севимли журнализмининг заҳматкаш ижодий жамоасига мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилаймиз! Журналнинг 100 йиллигини хам биргаликда ўтказиш насиб қилисин! «Саодат» ҳамиша ардоғимиздадир!



*Жумагул Сувонова,  
шопфа*

**“Саодат” мени элга танитган! Мен буни ҳеч қачон унумтмайман.** Журналда чоп этилган «Ёлгиз аёл» шеъримнинг Охунжон Мадалиев ижросида қўшиқ бўлиши менга катта қувонч багишлади. Халқнинг юрагига қўшиқ бўлиб кириб бордим. Мен ва мен каби юзлаб қаламкашларнинг йўлларини ёритган, қўл узатиб юксалишига сабабчи бўлган «Саодат»имизнинг саодатини берсин ҳамиша! Зафарли йўллар муборак бўлсин!



Дилсона Камил,  
таджикистан олима,  
Бритиш Колумбия университети.  
Канада.



**Ё**шилигимда феминист деган сўзни жуда ёмон кўрадим. Гүёки феминизм дадам билан онамнинг ўрталаридағи нозик туйгуларни ёлгонга чиқараётгандай, мени дадамга, бешта жонимдан ортиқ кўрган ақаларимга қарши қўяётгандай туюларди. Йиллар ўтган сари, ўсиб-улгайганим ва аёллик дунёсига кириб борганим сайин аёлнинг босган қадамида, юрган иўлида машаққатлар, таҳқирилар, оғриклиар, ноҳақ отилган тошлар кўрдим. Елкасида дунё юкини елкалаб бораётган аёл муваффақиятларидан сўз очилганда ўзини ўнгайсиз сезишини, “мен” деган сўзни ўзига раво кўрмаслигини сездим. Гүё, у ўз ютуқларига, муваффақиятларига дахлсиздек, эга бўла олмайдигандай. Гүёки у ўз меҳнатининг натижасини менини деёлмаётгандек. Гоҳида қават-қават дардларни кўзларининг қатига сақлаб яшаётган аёлдан ҳол сўрасангиз, бир оғиз сўз ёки бир қатра нола ўрнига кўзида ёш думалашини кўрдим. Фақат шундагина аёлга овоз бергувчи куч, унинг дардини, гамларини, ютуқларини ёритгувчи манбалар қанчалик муҳим эканлигини англаб етдим ва феминизм деган сўзга бошқача қарай бошлидим. Ўзбекистонда ана шу овоз, ана шу куч 95 йил олдин “Саодат” номи билан дунёга келган.

“Саодат” журнали узоқ йиллардан бери ўзбек аёли ҳаётининг, орзу-умидлари ва дардларининг кўзгуси бўлиб келаётган ойномадир. Бугун нафақат Ўзбекистон, балки, бутун дунё аҳли аёлнинг иммига, ақл-заковатига, ҳар қандай соҳада етакчи бўла олишига ишонади. Бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ривожланишининг ярмидан кўпти аёлларининг қўлида эканлигини билади. Аммо бугунги дунё аёлнинг елкасига қўяётган давр юклари ҳам ўзгача. Бугун бизнинг 95 йиллик “Саодат”имиз ҳар доимгидан ҳам долзарброқ.

Ҳар бир давр юкини аёл билан бирга кўтариб келаётган “Саодат” журналини бу йилги 95 йиллик машаққатли, аммо улуғвор иўли билан қутлайман. Аёлнинг дарди-дунёсини, ижод намуналарини, эришган ютуқларини оидинлаб келаётган ва миллионлаб аёлларга умид ва мақсад сари интилиш бераётган “Саодат” журналининг келажаги порлоқ бўлсин!






*Санъат Махмудова,  
“Мөхнат шүхрәти”  
ордени сохибаси.*

**B**ақтнинг чопқиллаб ўтишини қаранг! Яқин-яқинларда устоз шоира Зулфияхоним бошчилигидаги қадрдан “Саодат”имизнинг қатор таваллуд айёмларини муборакбод этган эдик. Бугун бу исми-жисмига ярашган журналишим табаррук 95 ёшга кирибди. Бу нашр ўзбек аёллари билан бирга қанча йўлларни қадамлаб ўтиб келаяпти. Мунис қизларимизнинг сирлилиги, дилбар келинчакларимиз назокати, бардошли оналаримиз фасоҳати, мукаррам бувиларимиз донишмандлиги бор “Саодат” саҳифаларида! Уни ўқиб, ундан ўрганиб неча авлод опа-сингилларимиз камолот палласига кирдилар. Жамиятда қандай ўзгаришлар бўлмасин, журнал ўзининг тарбиячилик, муаллимлик, сирдошлик каби эзгу вазифаларини сидқидилдан адо этиб келаяпти. Мен бу даргоҳдан кўп йиллар нон-туз еганман, қаламим шу даргоҳда чархланди. Номим, шаъним, энг гўзал хотираларим “Саодат” билан боғлиқ. Кутлуғ ёшинг билан бир фарзандинг мақомида чин дилдан табриклайман! Устозлар, дўстларимнинг изи қолган саҳифа-рингни кўзимга суртиб тавоғ қиласман! Ҳамиша ҳаммамизга севикли бўлиб қолишингга ишонаман, ёшингга ёш қўшилаверсан!



# Сув тилида

## сирларинни айт



Эшқобил ШУКУР

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. 1962 йили Сурхондарё вилоятининг Кўмкўргон туманида туғилган. У "Юракни ўрганиши", "Сочлари сүмбул-сүмбул", "Тунги гуллар", "Яшил қўшилар", "Ҳамал айвони", "Кўхна боз ривоятлари", "Кўз юмиб кўрганларим", "Бобосўз изидан" китобларининг муаллифи.

Шоирнинг шеърлари Америка, Россия, Туркия, Озарбайжон, Жанубий Корея, Украина, Қиргизистон давлатларининг нашрларида эълон қилинган.

### ОҚШОМ СУҲБАТИ

Оқарсув бўйида, оқшом чогида,  
Қари тол бошида ой порлаган пайт.  
Озурда туйғулар қўналгоҳида  
Менга сув тилида сирларинги айт.

Илкис тун сайрига шамол чақирса,  
Шовқинли шаҳарни айлансанг секин.  
Чор тарафда тинмай севинч бақирса,  
Сен согинч тилида бир нарса дегин.

Не кечар дунёning ўнгу сўлида,  
Туйғулар кўзёшдай қалқиб турган пайт.  
Ҳамма лаққилласа бозор тилида,  
Сен кўнгил тилида бирор жумла айт.

Қандай тушунтирай ҳолимни сенга,  
Бу оқшом оқарсув.. тол ёнига қайт.  
Барини бир четга кўйгин-да, менга,  
Сукунат тилида юрагингни айт.

\*\*\*  
Кимсасиз адирда... Ёз кечасида...  
Қорайиб ҳурпаяр ёлғиз бир ўтов.  
Ерга тушиб қолган кун парчасидай  
Ўчоқда тўлғонар бир тутам олов.

Чўпон, бу тунингга мени қўноқ эт,  
Адирлар сеники, сеники осмон.  
Бир кечак кўнглинга мени ҳамроҳ эт,  
Бахши шамоллардан тинглайнин достон.

Кимсасиз адирда... Ёз кечасида...  
Ҳурпайган ўтовга тушганда ўйлим,  
Ўчоқнинг бир тутам алансасида  
Йўқотган дўстини топганди кўнглим.

\*\*\*

Айланайин овозингдан, Сув,  
Ифорингдан айланай, Ҳаво.  
Кўнглим ичра азиз бир түйғу,  
Тўлқин-тўлқин эсади наво.

Ҳимматингдан айланайин, Ер,  
Ҳаёт, сенга шараф ва сано!  
Тўлиб борар кўзларимга нур,  
Юрагимга тўлмоқда Ҳудо.

Оқшом чўкаётган олтин лаҳзалар  
Магрибда бир юлдуз милтираган чоғ,  
Оят тинглагандай барча нарсалар  
Шомнинг ҳасратига тутганда қулоғ.  
Аста кўзларимга чўка бошлар мунг,  
Кўксимга қадалиб турар бир ҳанжар.  
Руҳимда ҳасратни уйғотади тун,  
Муқим бир ҳолимда кўнглим дарбадар.  
Шодон бир қўшиклар бошлай олмайман,  
Кипригимга тизиб тошу кадарни...  
Найлайки, суғуриб ташлай олмайман  
Кўксимга урилган сирли ҳанжарни.

### 1943 ЙИЛ. УРУШДАН ХАТ КЕЛДИ

Ҳарф танимас эди бу аёл,  
Саевод чиқармаган, мактаб кўрмаган.

Хатни ўғилчаси унга тутқазди,  
Почтачи келганда уйда бўлмаган.

Титроқ қўлларида бир энлик қогоз,  
Оқ қалдирғоч каби потирлар эди.

Аёлнинг лабида дуои салом  
Жон шамоли каби шитирлар эди.

Хатми бу, хатмми, ё хатми Ҳаёт,  
Қоғозга айланиб борарди Аёл.

Жонажон ҳарфларни ўқишни истаб  
Бир парча хат узра қадди, руҳи дол.

Ҳарф танимас эди бу Аёл.  
Лекин сирлар бордир муҳаббатга хос.

Ўша кун эридан келган хатни у  
Ҳарфма-ҳарф, сўзма-сўз ўқигани рост.

# Бор умримни

## қуёшга тұтшим

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тұтатган.

Ўзбекистон шарқшынослик илмий текшириш институтыда ходим, "Ёш күч", "Саодат" журналларида, "Оила ва жамият" газетасыда фаолият күрсатған.

Шоира "Бир дастана гул", "Тонға келгән фаришта", "Умидли дуне", "Юрак, сенга ишондим", "Наволарга күчгән ҳисларим" каби шеърий, "Жоним фидо" публицистик тұпламалари мұаллифи. дір.



Санобар  
ФАХРИДИНОВА

\*\*\*

Эшиклар ёпилди, зулфинлар мулзам,  
Күнлар қучогида мұлтирап соғинч.  
Гүё гунохкордай келгән баҳор ҳам  
Гуллар орасидан бोқади нотинч:  
Вируснинг келибди тождори!

Кимсасиз күчанинг қовоғи солиқ,  
Құмсаиди шовқинли лаҳзаларини.  
Йүлларнинг белига занжир осиғлиқ,  
Тұхтатмок, илінжи асов тұлқинни.  
Вируснинг келибди тождори!

Түрт томон советуда – маҳкам, қоролли,  
Ёпилдик! Беркиндик! Аммо англақ:  
Хаёттинг лаҳзаси – азиз, сүровли,  
Қалб күзи очилди – буниси аниқ!  
Келганды... Вируснинг Тождори!

### АСРАСИН

Соғинаман күрган сайин күзларингиз,  
Дилга ёқар малхамдайин сүзларингиз.  
Юрак титрар үйкөтмай деб изларингиз,  
Тангрим сизни балолардан асрасин.

Бардошимни синар ҳижрон әлчиси ғоҳ,  
Сиртмоғини ўпіб яшар бүгзимда "ох".  
Мени қоға ташлаб ўзи имлайди моҳ,  
Мехрим сизни балолардан асрасин.

Ё биласиз, ё билмайсиз забун ҳолим,  
Үз-үзимга ёт бўлдим-ей, бўлдим золим.  
Йўлингиззга жоним қўйдим, етмас молим,  
Жоним сизни балолардан асрасин.

Мехрингизнинг офтобида сел бўлдим мен,  
Лайлапарнинг каревонига эл бўлдим мен.  
Санобар дер, сизни күргач, гул бўлдим мен,  
Тангрим, сизни жафолардан асрасин.

### ХОЛАТ

Дунёларга сиғмай кетаман,  
Дунёларинг бунча тор, Эгам.  
Бу адоксиз күнни нетаман,  
Юрагимни тирнаб тұрсағам.

Менга қисқа күн бергин, майли,  
Битта чақмоқ умри киғоя.  
Умрим бўлса ўлдузли, ойли,  
Ҳам қуёшга тұрсым ҳамсоя.

Гўзапликка ошуфта кўнглим  
Ой юзига термулиб ўтар.  
Бор умримни қуёшга тұтгым,  
Музларимни эритолса гар.

### СУМБУЛА

халқ оқангида

Сумбулажон, сумбула,  
Сен менинг ҳолим сўра.  
Ҳолим забун айлаган  
Ўшал сайроқ булбул-а.

Унинг кўзи қародир,  
Менинг бағрим яродир.  
Айттолмайман дардимни  
Ғурур үйлдан уродир.

Муҳаббат ёмон экан,  
Сийлови – ҳижрон экан.  
Ёниб-ёниб етганинг  
Дунёйи армон экан.

Тақдирнинг ўғли узун,  
Бахтимнинг ўғли тугун.  
Уринмагил, "ағсунгар",  
Ёрнинг жодуси ағзуны.

Сумбула-я, сумбула,  
Жафокашга йўқ чора.  
Энди Санобарингга  
Тангридан тўзим сўра,

Сумбула-я, сумбула.



# 16 ҚАВАТЛИ ҮЙНИНГ 8-ҚАВАТИ

**Салим АШУР,**

Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист,  
шоир

Қадрли “Саодат” журналимиз 95 ёшга тўлибди! Шу тўқсоннинг 4 йилида мен ҳам борман. Бу – ҳаётимнинг энг ёруғ, энг гўзал, энг саодатли дамлари эди.

У пайтларда ёш эдик, еру кўкка сиф-  
масдик. Эрталаб бир кўчадан кириб, кеч-  
курун бошқа кўчадан чиқардик. Ёшлик  
айбу гуноҳларимизни кечирарди.

“Саодат” бизни қўлимиздан етаклаб чин ада-  
биётга, чин шеърга, ҳақиқий журналистикага олиб  
кирди. “Саодат” деганим – бош муҳарриримиз Ҳа-  
лима Худойбердиева, бош муҳаррир ўринbosар-  
лари Санъат Маҳмудова, Ёкубжон Хўжамбердиев,  
Эшқобил Шукур, масъул котиб Чори Латипов, кўп-  
ни кўрган, соҳа ва касб фидойиси Олимжон Ҳаки-  
мов, бўлим мудирлари ва ардоқли шоираларимиз  
Қутлибека Раҳимбоева, Шарифа Салимова, Санобар  
Фахриддинова, Дилфуз Шомаликова ва яна биз –  
қишлоқдан шаҳарга адашибми келиб қолган, ўзи-  
дан бошқа таянчу суюнчи йўқ, лекин орзу-ҳаваси  
бўйидан баланд фўр болаларнинг бошини силаган,  
ҳар доим иссиқ-совуғимиздан хабардор бўлган, ҳат-  
то, баъзан ўзимизга сездирмасдан чўнтағимизга  
тўрт-беш сўм пул солиб кўйган меҳрибон опажон-  
ларимиз.. Биз деганим – Қўчқор Норқобил, Хоси-  
ят Рустамова, Шароф, Қўшон, Назира, Нодира... яна  
қанча-қанча тенг-тўшларимиз. Тўғри, айрим дўст-  
ларимиз журналда ишламасди, лекин биз, “Саодат”-  
чилар билан эт-тироқ эди. Таҳририят хоналари  
доим адабиёт, санъат муҳлислари билан гавжум,  
ҳаммаси дунёни қойил қолдирман деган навқирон  
йигитлар, дунёни буткул ўзимга қаратаман деган  
фаришта қизлар... Иш вақтидан кейин хоналаримиз-  
да мушоиралар, қизғин сухбатлар, адоқсиз баҳслар  
бошланар, шоирни қиздирадиган, жўштирадиган  
энг зарур нарсалар ўшанда анқонинг уруғи эканми,  
аллақайлардан таниш-билиш орқали топиб кели-  
ниб, чала-чулпа бўлса-да, столда муҳайё этилар, бу  
эса қўрга ўт қалаб, шеър ўқишлар, баҳслар, муно-  
заралар ярим кечагача давом этарди. 9-қаватдан,  
“Шарқ юлдузи”дан 8-қаватга Икром Отамурод ту-

шиб келиб, баъзан Эшқобил Шукур, баъзан Абдува-  
ли Қутбиддин ҳакамликни қўлга оларди. Эсимда,  
шундай ўтиришларни кўпинча яхши инсон, бизга  
чин дилдан хайриҳоҳ Олимжон aka Ҳакимов яхши  
ният билан очиб берар, ниятига етгач эса барчамиз-  
ни бир-бир мақтаб-алқаб, силлиққина чиқиб кетар,  
ора-чора кириб, масрур ва сархуш издиҳомни вази-  
ятдан хабардор этиб, томогини хўллаб кетарди.

Бу тахлит бебош эркинлик ва ҳурликларимиз-  
дан бош муҳарриримиз, Ўзбекистон халқ шоири  
Ҳалима Худойбердиева, албатта, хабардор, лекин  
худа-беҳуда олдимизни тўсмас, ёшлар, боз устига  
ўзларича “кatta шоир”лар, бемалол униб-үсгани  
яхши, деб ҳисобларди, шекилли.

Орадан шунча йиллар ўтиб, ҳозирги кунда  
эл-юртимизга машхур адаб ва шоир бўлиб танил-  
ган Иқбол Мирзо, Фулом Мирзо, Рустам Мусурмон,  
Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамова ва бошқа бир  
қанча дўстларимизнинг янги шеърлари биринчи  
марта “Саодат” хоналарида янграган.

Таҳририятда эркин ва жўшқин ижодий муҳит  
хукмрон эди. Ҳалима опа майдо-чуйдаю икир-чи-  
кирларга кўпам аҳамият беравермас, асосий ишдан  
чалғиманглар, ёзаяпсизларми, кўпроқ ёзинглар, деб  
биз, шамолдек бекарор жонларни тергаб турарди.  
Қоралаганларимиз шеърми, мақолами, доим син-  
чиклаб ўқир ва албатта, ўзига ёққан ўринларини қора-  
сиёҳда алоҳида белгилар, бирор-бир мулоҳаза пайдо  
бўлса, уни ҳам қоғоз ҳошиясига ҳусниҳат билан эрин-  
масдан ёзиб қўярди. Янгироқ услубда, эркин оҳангда  
ёзилган мақолалардан журсанд бўлиб, яйраб кетар-  
ди. Сизни дахлизда кўриб қолса ҳам ўзига ёққан сатр  
ёки жумлани ёддан ўқир ва фикрини айтарди. Баъ-

зан ҳузурига чорлаб, ҳозиргина ўқиб чиққани шеър ёки мақола бўйича фикрлашар, сизнинг нұқтаи назарингизни тинглар, опа билдирган мулоҳазалар инобатга олинса, албатта, шеърми, мақолами, яна очилиб кетарди. Шундай пайтларда опанинг тафаккур ва билим уфқи кенг, ҳаётга, жамиятга, ижодга талаблари юксак эканини, айни пайтда ҳатто қўл остидаги ходимларнинг ҳам ёзганларини авайлашини, биз, ёшларга ўз опажонларимиз каби меҳр кўргазишни барчамиз бирдек сезар, ҳис этар эдик.

Баъзан ҳамкасларимиз, бу ёзганинг ўтмайди ёки бирор жойини белгилаб, мана шу жойи қисқаради, дейишишарди. Лекин шундай мақолалар ҳам Ҳалима опадан ўтиб, журнал юзини кўрарди. Масалан, Маҳатма Гандининг Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиш йўли тўғрисидаги “Хинд мустақиллиги” асаридан катта парча шу тариқа баҳсу мунозаралар билан журналнинг бир неча сонида кетма-кет босилган эди.

Журналдан биринчи хизмат сафарим бўлса керак, Жиззах вилояти Зомин туманига борган эдим. У ерда сут соғувчи, депутат опа билан учрашдим, унинг меҳнат фаолияти тўғрисида мақола ёзилди. Мақолада соҳанинг ўша пайтдаги энг ўткир муаммолари, тармоқнинг инқизозга юз тутгани қаламга олинди ва “Сут қаёққа оқаяпти?” деган сарлавҳа билан журналда босилди... Кейинчалик эса шундай давр келди, опадан ўтган айрим мақолалар ҳам қайтадиган ёки қисқарадиган бўлди. Масалан, “Оналар хиёнат қилмайдилар” сарлавҳали мақолага йўл берилмади, босмахонада терилган материал олиб қолинди...

Эслаб, энтиқиб кетаман: “Саодат” ва “Саодат”чилар мени чин маънода авайлadi, парваришлади, ўстириди. Катта йўлга олиб чиқди. Саодат ҳам, саодатсизлик ҳам оғир тақдир эканини шу ерда ҳис этдим. “Саодат”га дуч келмасам агар, ким билсин, қайbir кўчаларда улоқиб, балки йўқолиб кетган бўлармидим?

Бугун кичик, бир парча ҳаётимда нимага эришган бўлсам, ҳеч шубҳасиз, бу бениҳоя азиз ва қадрли “Саодат”нинг меҳнату заҳмати, меҳрибонлигидандир.

Ҳа, бундан бир неча йиллар аввал азим Тошкентнинг қоқ марказидаги 16 қаватли бино пойтахтимизнинг энг муҳташам саройларидан бири эди. Ҳозирги Тарих музейи ёнидаги ушбу бинонинг энг тегасида улкан соат кечак-кундуз тўхтамасдан, бир сония адашмасдан ишлаб туради. Улкан шаҳарнинг ҳамма нұқталаридан кўриниб турган бу соатга қараб одамлар ўз соатларини тўғрилаб олар, шу соатга қараб ишга келар, шу соатга қараб ишдан кетар, шу соатга қараб учрашувларга чиқар, учрашувлардан кимдир баҳти, кимдир баҳтсиз бўлиб қайтарди. Мен, балки баҳтини, балки келажагини, балки ўзи ҳам билмаган, англаб етмаган нарсаларни излаган бола шу музайян бинонинг 8-қаватига ҳар куни эрталаб юрагини олиб келар, кечкурун эса юрагини шу ерда қолдириб, сукъ-сўнгакларини олиб, байтул-ҳазангага қайтар эдим...

8-қават дунёнинг энг марказига айланган эди.

Ушбу марказда саодатли “Саодат” б-о-р эди...



*Анвар Собиров,  
хонанда, киноактёр*

Ассалому алайкум, азиз “Саодат” журналининг мухлислари, азиз ўкувчилар. Барчангизга аввалимбор кириб келган янги йил байрами муборак бўлсин. Азизлар, мен ҳам “Саодат” журналининг мухлисларидан бириман. Онам раҳматли бу журналнинг дугонаси, ихлосманди эдилар. Ёдимда, болалик пайтимда онам билан олисроқ сафарга чиқсан, албатта, ҳамроҳлари “Саодат” эди. Айниқса, Урганчдан Тошкентга борадиган поездда ўтириб журнал, китоб ўқиб кетишини хуш кўрардилар. Журналнинг янги сонларини интиқлик билан кутар, яна анча эски журналларни ҳам сарпо йиққандек йигиб кўярдилар. Журнал саҳифаларини вараклаган онам ундаги шеър, ҳикояларни бизга ҳам ўқиб берардилар. “Аёлларнинг доно маслаҳатчиси-да”, деб жилмайиб қувонганларини кўп кўрганман. Бугун донишмандлик фаслига қадам қўйган табарорук журнал ҳамон биз билан. Қанча синовлар бошидан ўтган ҳалқнинг кўнглини бир асрлик умри давомида гўё офтоб бўлиб ёритган. Жангоҳлардан ёри қайтмаган келинчаклар бошини силаб юпатган, мотамсаро оналар кўз ёшини артган... Азиз опа-сингилларимизни саодат йўлига бошлаб келаётган саодатманд журналга мен юксак парвозлар тилайман. Элу юрт корига яраб, маънавият бўстонидан чечак узатаётган, хотин-қизларимиз маънавий онгини оширишда беминнат, беназир хизмат қилиб келаётган “Саодат” журналига узоқ умр тилайман. Ва мухлислари қаторида мана шу “Саодат” журналининг доимий садоқатли мухлиси бўлиб қоламан. Албатта, оиласам билан бирга.



# КҮНГИЛГА КҮНГИЛ СҮРАБ КИРДИ



**Дилфузә ШОМАЛИКОВА,**  
“Фүнча” журналининг бош  
муҳаррири

*Гоҳида тушда кўришни орзу қилгани лаҳзалар ўнгда рўй берса, боладек қувонасан. Овозингни баландлатгинг келади-ю, қувончларинг кўзингда қуёшга айланади. “Саодат”дан мактуб олган кунлар ўқувчи эдим. Ҳамма менга ҳавас қиларди. Мен дунёдан ҳам каттариб кетганга ўхшардим.*

Кўнгил ҳамиша болаликка талпинади. Унда излаганларингни топдим, деганда тутганларинг муқояса қилиб бўлмас залвори билан сени ҳаяжоннинг остонасига етаклайди. Бунда қўлингдан тутмоқни ихтиёр қилган ҳар кўмак титроқ солади. Осмонга термуласан, ерга разм соласан! Самовий ва сирли мактубнинг шитирлари эшитилади. Замину фалак оралиғи гоҳо бир қарашлиқ нигоҳинга жам бўлади. Гоҳо минг йил юрсанг ҳам адоги кўринмас йўлга айланади. Бирзумгина толган хаёлинг деворларини мактубларнинг овози чERTAETGANGA ўхшайди. Бу сас ифорини англамоқ истайсан, аммо қадамлар шашти жадаллаб, елканли кемаларнинг сафаридан огоҳ этувчи қўнгироқ чалинади. Ўйларинг – мактубларнинг қатларидағи сирлар шивирга айланиб денгизнинг кулогига куйилади. Денгиз кафтлари билан қулоқларини тўсади. Бошларини силкийди. Мийигида кулиб кўяди. Осмонни ўзиники қилган офтоб жилмаяди.

Ўша офтоб менинг уйимда эди – менинг ўйимда эди. “Саодат” журнали таҳририятига келган куним улар ҳам ўзимизга ўхшаган оддий одамлигидан ҳайратландим. Йиллар ўтди. Талаба бўлдим. Йигирма икки ёшимда ишга таклиф қилишгандан мендан баҳти одам йўқ эди. Хатлар бўлимида мактубларнинг саноғи йўқ эди. Ўшанда ҳар бир номанинг ортида бир неча оиланинг тақдирни турганини англаандек бўлдим. Улар онасига, опа-синглисига дардини айтгандек, сирлашгиси, маслаҳат олгиси келарди. Бўлимларга

хатларни тарқатардим-у, мактубига жавоб кутаётган аёлларнинг умидвор ҳолатига ҳамоҳанг эдим. Тушликка чиқмай, хатларни очиб улгуришга ҳаракат қилардим. Шундай кунларнинг бирида бош муҳарриrimiz Ҳалима опа:

– Аввал – таом, – дедилар табассум билан.  
– Биз ҳамма нарсага улгурдик. Соғлиқни эҳтиёт қилиш керак! Қани, кетдик.

Ҳозир ўша ҳолатни эслаганимда ҳам онамдек меҳрибон инсоннинг овози елкам оша эшитилиб тургандек бўлади, бўлаверади.

Кейин билсам, Опа ҳар бир ёшга шундай меҳр кўрсатар, қўллаб-қувватлар, уларнинг фикр, таклифларини алоҳида ёзиб, натижасини ҳам назоратга оларди. Истеъоддли ижодкорлар Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Қўчқор Норқобил “Саодат”нинг ишонч тоғлари эди. Ҳар бири ўзига хос чиқишилари билан журналхонларнинг эътиборини қозонарди. Яратилган самимий муҳит жамоани бир оиласа айлантирганди.

Ишлаётганимга ҳали бир йил ҳам бўлмаган. Паркент касалхонасига тушиб қолдим. Опа хизмат машинасида икки кишини қўшиб, хабар олгани юборибди. Кечагина келган ходимга эътибордан раҳматли ота-онам шунчалар хурсанд бўлиб кўзларига ёш олганки, бугун эсласам ҳам ёришиб кетаман. Бироз муддат қабулхонада ўтириб гувоҳ бўлганим: бу даргоҳга ёрдам сўраб келган бирор киши ноумид кетмасди. Ҳалима опа ҳар бир ҳарарати билан раҳбар, она, Инсон қандай бўли-



шини, қандай яшаш кераклигини таъкидлаёт-  
ганга ўхшарди.

Юрагим буюрганини қофозга тўқяпман, де-  
йди авар шоири.

Бу журнал нафақат аёлларнинг, кенг жа-  
моатчиликнинг севимли нашрига айланди. Ҳар кўнгилга кўнгил сўраб кирди: уларнинг  
дил изҳорларини эшилди, муаммоларининг  
ечимини излади, умр сўқмоқларида адашган  
кимсаларга йўл кўрсатди. Она бўлиб, опа-син-  
гил бўлиб маслаҳат берди, уларнинг ҳаётда ўз  
ўринларини топишида сирдош дугона бўлди.

Ўзига хос истеъоди, бунёдкорлик ишла-  
ри, бетакор ижодлари, изланишлари билан эл  
назарига тушган хотин-қизларни кашф қилди.  
Иқтидор сохибларини янги-янги зафарларга  
эришишига рағбат берди, халққа танилди. Улар  
элда азиз аёллар бўлди.

Бу журнал ўз мухлисларига аёлларнинг  
латофатию назокати, шарқона тарбия, бека-  
ликнинг баҳти, оналиктин қувончию ширин  
ташвишлари, оиласнинг сиру синоатли дунёси  
қонуниятлари, аёлнинг адоксиз вазифалари,  
қўйингки, ҳунарнинг сир-асрорларигача сабоқ  
берди. Ўз зиммасидаги юкини елкалаш сино-  
видан ўтган аёл саодат топди. "Саодат" эса аёл  
дунёсини кашф қилди. Ўз айтар сўзи билан ҳар  
бир хонадоннинг севимли нашрига айланди.  
Қатларига ҳар ҳикматни гавҳардек муҳрлади.

Бу журнал йиллар давомида Ватан рав-  
нақи, эл тараққиёти, юрт тинчлиги, баҳту са-  
одати йўлида хизмат қилган аёлни эъзозлади,  
қадрлади, ўзи ҳам фахру ифтихорда бўлди.  
Кўнгил изҳорларининг, покиза ҳурматнинг  
ифодаси бўлиб Саодат номли исмлар рўйхати  
ҳали-ҳануз бўй кўрсатади.

Мен ҳам "Саодат мактаби"ни ўтаганлар қа-  
торида эканимдан кўнглим тўлиб юраман ва  
унга муносиб бўлиш маъсулиятини ҳис қила-  
ман.




*Фафида,  
Кириғистон*

**А**ссалому алайкум, ҳурматли онахон журнал – "Саодат" ва унинг ижодкорлари. "Саодат"ни нафақат Ўзбекистон, балки, қўшни давлат вакиллари ҳам миллати турли бўлса-да, жуда севиб ўқишиган ва келаси сонини интиқлик билан кутишган. Қириғистон жанубида яшайдиган ўрта ва катта ёшдаги инсонларнинг қайси бирига айтсангиз, албатта, кўзида севинч билан бу журнални эслайдилар, бир энтиқиш билан ёд этадилар. Журналнинг бош саҳифаси ёки ўртасидаги катта ва чиройли расм ва тақвим ҳар бир уйнинг безаги эди. Қанийди, журнал яна хоҳлаган хонадонларга кириб борса, маслаҳатгўйимиз, сирдошимизга айланса. Журнал ўз номига яраша саодатли эди, у ташриф буюрган кўнгил ва уй ёришиб кетарди. Ўйлайманки, ҳозир ҳам мана шу вазифасини аввалидан ҳам ортиқроқ бажармоқда, дилларни муナвар этмоқда.

Севимли "Саодат"ни 95 йиллик юбилейи  
 билан қириғистонлик собиқ ва содиқ кўп сонли мухлислари номидан самимий табриқ-  
лайман! Кундан-кун ўқувчиси сони ошиб бораверишини, ижодий жамоага шарафли юмушларида ютуқлар ҳамда мухлислар мұхаббати ёр бўлаверишини тилаб қоламан!



# ЮКСАКЛАРИМ, ДЕР ЭДИ



**Құчқор НОРҚОВИЛ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
күрсатған журналист, ёзуучи

“Саодат” бизга құрқасликни үргатди. Эркин фикрлашни үргатди. Ўз юрагимизга қулоқ түтишни үргатди. Ёзганда майдакашлик, икир-чикир фикрларга үралашыб қолмасликни үргатди.

**Г**ўзал журналинизнинг бош муҳаррири, шоира опам ва қадр-денимиз Мунаввара хоним мен-га қўнгироқ қилиб: “Журналда ишлаган даврларингизни эслаб, бирор нарса ёзиб беринг...”, – деганларида ўзимда йўқ севиндим. Негами, ўшал оташин дамларим, ёшлигимдаги авж туйғуларим тафтини туйғандай бўлдим. Ўзим ҳам бошқача бўлиб кетдим.

Журналда ишлаган чоғларимда талаба эдим, лекин нималардир ёзардим, ёзганларим қайтмасди; ичингдагини эмин-эркин тўкиб солишга имконият бор эди. Бирор нега бундай қаттиқ ё юмшоқ кетаяпсан, сенга ким қўйибди, бундай гапларни журнал саҳифасига олиб чиқишига, демасди. Устозлар ким эди, дейсизми? Бош муҳаррир Ҳалима опа Худойбердие-ва, ўринбосар Ёкубжон ака Хўжамбердиев, кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари бўлган Эшқобил Шукур, масъул котиб Чори ака Латипов, ижодий ходимлар Зулфия опа Мўминова, Дилфуз Шомаликова ва бир қанча ижодкорлар ёзганларимизга тоқат қилиб, менга ҳам ўз сафларидан жой беришганди. Дўстим Салим Ашур журналга мендан бироз олдинроқ келган, сяяги қотиброқ қолган, журналнинг ҳам, жамиятнинг ҳам ўнгу чапини билиб улгурган, ёзганлари ҳам пухта-пишиқ эди. Ишонасизми, бир куни у мақолани нак-

шеър қилиб ёзибди; эга билан кесимнинг ўрни алмашган. Оҳанг бор. Хуллас, одамни ҳайратга соладиган бир нарса ёзганки, инкор ҳам қилолмайсан, ҳа, ўқувчини ўзига тортиши аниқ, лекин бунақа жанрнинг ўзи йўқ. Мақола тушмагур ҳам муҳаббат мавзусида. Ҳамма қизларнинг исми ни киритган. Бежанр ёзмаси ҳам “МАҲАББАТ” деб бошланади, “Муҳаббат” эмас, “МАҲАББАТ...” Ёниб-куйган пайтлари бўлса керак, дунёдаги бор ўзбек қизларига дарди изҳор қилган. “Бу нима?” дедим. “Мақола, ўқидинг-ку! Мақола”, – деди қўзларини пириллатиб. – Яхшими?” Мен ҳайронман, яна айтаман – на эга, на кесим жойида, лекин одамни ўзига жазиллатиб тортади. Ўйин қилибди, деб ўйладим, нима ёzsам, чиқаверади, деса керак-да, барибир раҳбар ёки ўринбосар қайтаради, деган хаёлга бордим. Йўқ, унинг ёзгани чиқиб кетди, журналда босилди, бутун жамоа ҳайратда, ўқисангиз, қўнглингиз тошиб, муаллифга ҳаммаслак ва тақдирдош бўлганингизни сезмай қоласиз. Қайта-қайта ўқийверасиз. Салимнинг ўша тасвир ифори ва оҳангномаси элга овоза бўлди. Аллақандай қолилларни потирлатиб бузиб юборганди унинг дилномаси.

Ҳа, журналда бағрикенглик деган улуг бир тушунча илдиз отганди. Ҳар бир сонида биттадан ҳикоя, шеър ё мақоламиз чоп этиларди. Ҳалима опа бизларни “юксакларим”, “буюкларим”, деб эркалаторди. Янгича бир йўналишлар излаб ададишиб кетишимиздан кўра, айланиб ўз йўлимизни топишимизга қаттиқ ишонарди. Қизиқ, мамлакатга довруқли шоира, шахс, давлат арбоби бўл-

ган бу Инсоннинг биз бошловчи ижодкорларга бунчалик катта баҳо беришида буюкларгагина хос фазилат борлигини бугун ҳис қиляпман. Ҳеч қачон бизни койимаган. Хатоларимиз, эркаликларимизга мийифида кулиб қўярди опамиз. “Майли, булар буюкларимиз, буюклар ҳам хато қилишади-да...” дер эди. Бу гап кўпинча каминага қаратиларди; ишга бормай қўяман, ёшлиқда, аллақаерларда май ичиб “шоирлик” қиласман, кимлардир ёмонлаб қўнғироқ қиласди, “буларни талтайтириб юбордингиз”, деб очиқасига норизо бўлишади. Муҳаббат қуйчиси Салимбойнинг ҳам ўзига яраша қилгуликлари, камига каминанинг дилозорликлари ҳам опага етиб келарди. “Индаманглар, қуиилиб қолишади...” – дерди. Бу гапдан кейин ким ҳам бизга индай оларди? Оғир-босиқ Эшқобил aka ҳам батзидаги қараб бош чайқаб қўярди. Чори aka, масъул котиб эмасми, бизнинг ёзган мақолаю битикларимизга жой ажратаркан, у ёқ-бу ёғини текислаш билан оввора бўларди, кулиб қўярди: “Нималарни ёзмайсанлар-а?..”

“Саодат” бизга қўрқмасликни ўргатди. Эркин фикрлашни ўргатди. Ўз юрагимизга қулоқ тутишни ўргатди. Ёзганда майдакашлик, икир-чикир фикрларга ўралашиб қолмасликни ўргатди.

Учинчи курсда ўқирдим ўшандар... Журналдаги чиқишликларимиз туфайли элга танилгандай бўлдик. Одамлар эътироф этишарди. Очиги, ўзимизга ортиқча баҳо бериш каби баландхәёллик кўчасида юрганимизни ҳам энди ҳис қиляпман. Лекин шундай муҳит бўлмаганда, ким билсин, нима бўларди? Бунинг учун бугун ўша даврдаги ижодий муҳит ва қадрдонларим, раҳматли Ҳалима опамиз, менга онам каби меҳрибон бўлган буюк қалб соҳибасидан бир умр қарздорман. Опанинг ишончини оқлашдай оғир юкни бугун елкамда ҳис қиляпман. Умр эса ўтаётиди. Ҳа, шундай бообўр таҳририят жамоаси мени ўз сафига қўшганидан бугун қалбимда миннатдорлик ўти ёнади. Ўша вақтлар англамаганман, кимлар билан, қандай одамлар, қайси жамоада ишлаётганимни унчалик тушуниб етмагандирман. Айтдим-ку, ёшлиқнинг ўзига хос тўполончиликлари гирдобида эдим деб. Хайрият, “Саодат” менга оналиқ, опалик қилиб мени аяди, бор-е, деб қўл силкимади.



“Саодат” пойтахтда ўрнашиб қолишимга сабабчи бўлди. Тўйимда ёнимда бўлди. Умр йўлдошим Хосиятнинг уйига ҳам Зулфия Мўминова бошчилигига “Саодат”даги опаларим совчи бўлиб боришиди. Даствлабки қиссамни ҳам шу ерда ёздим. Раҳматли устозим, буюк адаб, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Ўткир aka Ҳошимов бир куни ишхонамга, саккизинчи қаватдаги хонамга тушиб келди, анча сухбатлашдик. “Шоир, журналдаги ёзганларингизни ўқиб боряпман, бирорта каттароқ асарингиз бўлса беринг, ўқиб кўрай...” деди. “Дарё ортидаги йиғи” деган қиссамни бердим. Кўп ўтмай асар “Шарқ юлдузи” журналининг даствлабки саҳифаларида эълон қилинди. Кейинчалик устознинг тавсияси билан “Шарқ” нашриётида эллик минг нусхада чоп этилди. Шаҳарда доимиий рўйхатга туриш, оиласвий ётоқхона, сўнгра уй олишимда ҳам “Саодат”нинг хизмати бор. Хизмати бор эмас, “Саодат” ёрдам берди. Мен тақдиримга “Саодат” журналида ишлаш ёзилганидан Яратганга шукр айтаман. Қишлоқдан, дала-даштдан келган бир ўғлонни ўз бағрига олган “Саодат”дан миннатдорман. Ўйлаб қарасам, саодатли дамлар экан ўша дамлар.



# Саодат

Хикоя



Жўра ФОЗИЛ

**П**ахса деворлар, тераклар ортидан каттакон гулоби қовунга монанд ой кўтарилимоқда. Унинг майин нурлари тун сукунатига фарқ бўлган боғларга алла айтар, қишлоқ эса ухлашни истамаган болакайга ўхшаб харҳаша қилар, ҳамон уйғоқ эди.

Улкан қари тут остидаги сўрида тун сукунатига кулоқ тутиб ўтирган Шаҳодат буви оҳиста-оҳиста хиргойи қиласиди:

Шамол эшик очади, ёрим бодом сочади,  
Сочма, десам сочади, кулади-ю, қочади...

Чорбодан эрта пишар ўрик ҳиди келади, дараҳт учлари жавзо туенинг иссик эпкинидан тебраниб, мевалар “тўп-тўп” этиб ерга тушади. Чорбог адогида-ги бостирма томондан итнинг гингшигани эшитилади.

Шаҳодат буви ҳушёр тортиб ўрнидан турди. “Эҳ, эсим қурсин, бечора. Бўйноққа ҳеч нима бермабман-ку!”

Кампир ошхона чирофини ёқиб, овқат қолдиқлари ва яна алланималарни олди-да, бостирма томон кетди. Бўйноқ унинг қадам товушини таниб, бўйнидаги занжирни шилдирлатганича иргишлай бошлади.

– Ҳа, Бўйноқжон, оч қолдингми? Ахир, мен ҳам борман, деб кўймайсанми бундоқ? Майли, зарари йўқ, сен ҳам менга ўхшаб қартайдинг-да. Вовуллашга ҳам мадоринг йўққа ўхшайди.

Шаҳодат буви олиб келган емакни беминнат содиқ кўриқисининг олдига ташлади. Ит ҳам миннатдорлик билдиргандай, эгасининг оёқларига тумшуғини урди. Кўнгли ийиб кетган кампирнинг кўзлари ёшланди. “Эҳ, шу жонивор ҳам меҳрни сезади-я...”

Бўйноқ иштаҳа билан сүяқ ғажишига тушди.

Шаҳодат буви ёлғиз ўғлидан ёдгор бўлган невараси Саодат билан қишлоқ чеккасидаги ҳовлида яшар, Бўйноқ эса уларнинг ёлғиз ҳамроҳи эди. Бу ҳовли соқчиси бир вақтлар жуда бақувват бўлиб, дайди итларни ҳовлига яқинлаштирасди. Энди эса қартайиб қолди. Ёш итлар боязиши бир неча марта қонга белангунча талайвергач, Шаҳодат буви уни бе-

гона кўзлардан пана қилди. Бир умр эмин-эркин юрган Бўйноқнинг тутқунликка кўнихиши қийин бўлди. Лекин жонивор очиқда юраверса, оқибати нима бўлишини тушундими, ҳарқалай, тақдирга тан берди. Бироқ барибир эгасини кўрди дегунча мунгли кўзларидан ёш тиркирар, унга қараб кампир ҳам йиглаб оларди. “Бўйноқжон, чида! Мана, мени кўр, бир умр шу хонадонга боғланганман. Ҳеч қаёққа кетолмайман. Ҳатто, омонатини топширишга ҳам журъатим йўқ. Ахир, менсиз нима киласизлар? Кўзимнинг оқу қораси Саодатгинам қандай яшайди? Бу етимчанинг фамини ким ейди?”

Саодатнинг ота-онаси далада пахта тераётгандарида, самолёт устларидан дори сепиб ўтга ч бир кечада вафот этишган. Эри урушдан қайтмаган Шаҳодат буви тақдирнинг бу зарбасидан ҳамон ўнгланолмасди. Бўй этиб, қишлоқ йигитларининг кўзини кўйдириб юрган қиз ҳам бувисини ўйлаб, эрга теголмасди. Эшик турумини бузәтган совчиларнинг ҳаммаси қуруқ қайтарва бу “қиз боланинг нози”га йўйиларди. Шаҳодат буви неварасининг кўнглига қараб совчиларни қуруқ қайтарса-да, ичидан зил кетиб кўярди.

Занжирбанд эса-да, бечора Бўйноқ ўзининг азалий вазифасини сидқидил адо этар, ҳовлидаги икки муштипарни кўзининг оқу қорасидек асрарди. Лекин жониворнинг бир қусури бор эди. Ўша, Саодат ноз билан кўйдириб юрган тракторчи йигит девор оша бօғ адогига келганида сира акилламас, ювош тортиб, чала кесилган тўмтқ думини худа-бехуда ликиллатаверарди. Жонивор эгасига хиёнат қилаётганидан уялар, бироқ Саодатни фош қилишни истамасди.

Хозир ҳам Шаҳодат бувига ялтоқлик қилиб, сүяқ ғажиётган Бўйноқ икки ёш бօғ адогидаги ўрик тагида сухбатлашайтганини яхши билар, аммо эгаси ҳам бу сирдан воқиф эканидан хабарсиз эди. Баландлаётган ойнинг ҳарир нурлари чорбокни мунаввар этган, у ер-бу ерда ҳураётган итлар товуши туннинг сукунат пардасини йиртгандек бўлар, энди қорнини сал тўйғазиб олган Бўйноқ ҳам эринибгина, хўжакўрсинга акиллаб кўярди. Унинг вовуллашида кўшни итлар – ҳамжинсларини кувватлаш, кечки овқат учун эгасига миннатдорлик ва

шунинг баробарида Собиржонни чўчитиб юборишдан андак хавотир ҳам бор эди.

– Ҳай, майли, Бўйноқжон, энди мен ухлайман. Кун бўйи ивирсиб, чарчадим.

Кампир ҳақиқатан ҳам жуда чарчаган, ётиб ором олгиси келарди. Лекин невараси ёнига келиб ётмагунча кўнгли жойига тушармиди?

Шаҳодат буви уйи томонга эмас, боғ адогига қараб кетди. Бўйноқ унинг ортидан норози фингшиб, ер тирнаб қолди. Кампир бироз юргач пахса девор ёқалаб ўсган ёввойи атиргул панасида тўхтади. Девор ошган атиргул қийғос очилиб ётарди. Унинг муаттар ифори етилиб пишган ўрик ҳидига қўшилиб, димоқни қитиклар, Шаҳодат буви буни сезмас, унинг бутун дикқат-эътибори ўн-ўн икки қадам наридаги каттакон қари ўрик соясидаги икки шарпада эди. Фўнғир-ғўнғир суҳбат қулоққа бемалол чалинарди. Бояқишлиар сухбатларига бирор қулоқ тутиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Ахир, саксонни қоралаган кампир бу пайтда чарчаб, ухлаб қолган бўлиши керак эди-да. Хуллас, ширин сухбат авжида, кампир эса оғирлашиб қолган қулоқларига зўр берар, ўзининг ўн саккиз ёшини, уруш арафасида бўлиб ўтган камтаргина тўйини, чимилдиқда куёвнинг оёғини қандай босганини эсларди. Эсларди-ю, кўз ёшлари ўз-ўзидан қуилиб келар, неварасини келинлик либосида кўришни жуда-жуда истарди.

– Саодат, сенда инсоф борми, ўзи? Ахир, қачонгача мени қийнайсан? – йигитнинг товуши жуда надоматли эди.

– Ҳо-о-о, бу кишини қаранглар... Ким сизни қийнабди? Ўзингиз гапга кўнмасангиз, мен нима қилай?..

– Гапга кўнмайсиз эмиш. Сенинг гапинг кўнадиган гап эмас-да. Ўзинг ўйлаб кўр, қайси ёлғиз ўғил ичкуёв бўлишга кўнади? Ота-онамнинг юзига қандай қарайман? Маҳалла-кўй, қишлоқ нима дейди? Ниятинг мени шарманда қилишми?

– Ажаб бўпти! Алам қилсин! Сиз ёлғиз ўғил бўлсангиз, мен ҳам ёлғизгина қизман, билдингизми? Қари бувимни кимга ташлаб кетаман, буни ўйлайсизми? Ахир, у киши йўргакдалигимдан тишларида тишлиб катта қилдилар-ку!

Неварасининг сўзларини аниқ-тиник эшитаётган Шаҳодат бувининг кўз ёшлари шашқатор эди. Болагинаси уни шунчалар аяр, шунчалар яхши кўрар экан. Кампир юрагида тугён ураётган қарама-карши ҳисларни жиловлаш учун атиргулга нигоҳларини қадади. Ҳа, қизгинанинг юрагида илк муҳаббат ана шу ёввойи гулдек очилган, ҳозир хато қилиб қўйиши ҳам мумкин. Кейин бир умр пушаймон қилиб юради...

Шаҳодат буви бекинган жойидан чиқиб, “Ҳой, болам, мен билан ишинг бўлмасин, амаллаб кунимни кўрарман, ўз бахтингни ўйла”, дегиси келди. Лекин ўзини зўрга тийди. Айб бўлади. Куёв бола бу мияси айниган кампир гап ўғирлар экан-да, деб ўйламайдими? Қайтага, болажонимни уятга қўяман-ку”, ўйлади у ва яна сухбатга қулоқ тутди. Собиржон ҳамон зўр бериб қайсар қизга гап уқтироқчи бўларди.

– Тушунсанг-чи, сен қиз боласан, қиз бола эса бирорвонинг хасми. Барибир бир кунмас, бир кун бувингни ташлаб кетасан-ку!

– Йўқ, ҳеч қачон! Ҳеч қачон бувижонимни ташлаб кетмайман! Мен у кишини шунчалар яхши кўраманки, сиз тасаввур ҳам қдолмайсиз.

Шаддод қиз “ҳатто, сиздан ҳам ортикроқ яхши кўраман”, демоқчи эди-ю, айттолмади, тили бормади. У Собиржонни бокира бир ҳислар билан севарди. Севарди-ю, икки ўт орасида қолганди. Ва ўзининг шубҳа-гумонлари, иккиланишларини ноз пардаси билан бекитар, йигитга рад жавобини бермоқчи бўлиб, юраги қонларга тўларди. Унинг сўзларини гул панасида тинглаб ўтирган бувижониси ҳамон кўз ёшларини тиёлмас, лаблари “рози бўлақол, қизим, сен учун тақдирнинг барча ситамларига чидайман”, дея пичирларди.

Хўролар қичқира бошлади. Бўйноқ ҳам бостирма томондан норози увиллаб кўярди. У ҳар тун буви-невара уйкуга ётмагунларича шитир этган товушга қулоқ тутиб, безовта бўларди. Ҳар икки муштипар уйкуга кетгач ҳам бошини оёқларига қўйиб, мудраб ўтиради. Шу боис яқин атрофдаги жониворлар бу ҳовлини четлаб ўтишга мажбур бўлишарди.

Шу беором тунда Бўйноқ шўрлик жуда жонсарак бўлди. Эгалари ҳамон ухлагани ётишмади, устига-устак кампир гул панасида бекиниб ўтирибди. Собиржон билан Саодат бўлса, ҳеч нимадан хабарсиз баралла баҳслашишяпти. “Эҳ, одам ҳам шунчалик эҳтиётсиз бўладими?!“ афсус чекарди Бўйноқ. У чорбогдаги шарпаларнинг хидини, ҳар бир гап-сўзини туйиб турарди, гёё.





Ёшлар ҳамон баҳслашишар, лекин Саодатнинг овози энди хийла мулойимлашган, буни Шаҳодат буви ҳам сезиб турарди.

– Майли, кўпам обидийда қиласверманг. Бувим билан бир гаплашиб кўрай-чи, нима деркинлар...

Шаҳодат бувининг юраги ҳаприқиб кетди. “Мен розиман, бувижонинг рози, болагинам!” Кампир кўз ёшларини енгининг учи билан арта-арта, сиздирмай гул панасини тарк этди. Унинг сўри томон ўтганини кўрган Бўйноқ бироз хотиржамланган бўлса-да, Саодат йигит билан хайрлашмагунча жонивор қулоқлари ни диккайтириб тураверди...

Ўринга чўзилган кампир неварасининг қайтишини кутиб, осмонга тикилганича хаёл суреб ётарди. “Қодир Худойим! Болагинамнинг кўнглига озгина шафқат солганинг учун беҳисоб шукур! У Собиржонга рад жавоби берганида, нима қилардим? Хайрият, қайсаргинам йигитни аяди...” – пиҷирларди бувининг лаблари.

Орадан кўп ўтмай Саодат секин юриб келиб, бувининг ёнидаги ўринга кирди. Бир муддат у ёк-бу ёққа ағанагач, чидаёлмади, изиллаб йифлаганича ўзини бувисининг бағрига отди.

– Бувижон, мени кечиринг! Унга розилик берганимни ўзим ҳам билмай қолибман!

Шаҳодат буви йиглаётган неварасининг майда ўрилган соchlарини, ёш ювган юзларини силади, пешонасидан секингина ўпиб, титроқ товуш билан уни юпатди.

– Тентаккинам, нега йиглайсан? Ахир, бу баҳт-ку!  
Мен розиман, болам...

Кампир бўғзига тикилиб келган хўрсиниқни ютолмай, жимиб қолди. Жавзонинг шу қисқа тунида бувиневара алламаҳалгача ухламадилар...

Кейинги куни совчилар келишди. Дарвозадан ичкарига қадам қўйган ҳар бир одамни кўрса, жон-жаҳди билан акиллайдиган Бўйноқ бу гал “мик” этмади, чўлтоқ думини ликиллатиб ётаверди. Совчилар икки марта келиб-кетишгач орадан кўп ўтмай тўй бўлди. Ироқи дўппи, оқ шоҳи кўйлак кийган Саодат бирам гўзал келин бўлди, асти қўяверасиз... Гўшангода унга рўбарў бўлган Собиржоннинг эси оғиб қолаёзди. Қиз курмағур бувисининг ўғитига амал қилиб, бир оёғини сал кўтариб турган экан, гўшантага қадам кўйиб, қизга маҳлиё бўлиб қолган куёвтўранинг оёғини босиб олди. Бўлди қий-чув, бўлди кулги. Собиржон мақсадига етган эди, шу боис келиндан унчалик хафа бўлмади-ю, лекин ниманидир кўнглига туғиб, мийифида кулиб кўйди.

Унинг кўнглига туккани кейинроқ маълум бўлди. Собиржон дарвозалари олдида ёқилган гулхан атрофидан келинни даст кўтариб айланар экан, ҳеч кимга билдирмай уни чимчилаб олди.

– Вой, вой, нега бундай қиласиз?.. – шивирлади қиз унинг қулоғига.

– Сенга бу ҳам кам! – деди йигит, – Ўзинг оёғимни боплаб босдинг-ку!

\*\*\*

Шаҳодат бувининг бўшабгина қолган ҳовлига кўни-киб кетиши хийла қийин бўлди. Лекин ҳовли ҳувиллаб қолган бўлса-да, кампирнинг шунча йиллардан бўён ўқсик кўнгли тўлган, тоғ бўлган эди.

У уззукун ҳовлида куйманиб, ўша, ўзи жуда яхши кўрадиган “Шамол эшик очади, ёрим бодом сочади...”-сини хиргойи қилар, Саодатнинг қаёққа фойиб бўлганини ҳамон билолмай безовталанаётган Бўйноқни қўлидан келганча юлатарди. “Мана, мен бинойидек чидаяпман-ку. Сен ҳам кўни-киб кетасан”.

Жонивор эгасининг гапларини тушунгандай, бошини ҳам қилиб, сукут сақлар, самони тўлдириган хилма-хил ҳидлар орасида унга кераги, унга қадрдони йўқ эди.

Келин чорлар куни қўни-қўшни, қариндош-уруглар келишди. Шаҳодат буви неча йиллардан бери сандидида асрраб юрган энг камёб, тансик нарсаларни ўртага қўйди.

Нихоят, келин бўлиб гул-гул очилган Саодат остона-да кўринди.

– Оҳ-оҳ, сенинг шу нурли юзларингга, шу қора сочларингга жоним садага! – буви неварасини бағрига босиб, йиглаб юборди.

– Йигламанг, бувижон! Мана, мен келдим-ку! – дерди ўз бахтидан сархуш невара ҳам кўз ёшларини тиёлмай.

Улар бир-бирларини қучоқлаганларича ичларида ҳар бири ўзига маълум бир ҳис билан шукрони қилишар экан, Бўйноқнинг бўладигани бўлганди. Бояқиши Саодатнинг ўзини кўрмаётган бўлса-да, унинг келганини дарҳол сезганди. Жонивор ўзини ҳар ёнга урап, лекин эгаларининг хурсандчилигига раҳна солмаслик учун во-вуллашни эп кўрмасди. Узоқ вақт унга ҳеч ким эътибор бермади.

Тун яримлаёзганда, Бўйноқ Саодатнинг нозик қадам товушларини таниб, шодликдан думини ликиллата бошлади. Келинчак итнинг ёнига у-бу ташлаб, ўз одати-ча ширин тил билан эркалади:

– Ҳа, Бўйноқжон, мени соғиниб қолдингми? Сенга ҳеч ким қарамадими? Парво қилма, мана, мен борман-ку! – Саодат итнинг бошини силар, у эса ёнидаги егуликка қиё ҳам боқмай, сариқ атлас кўйлак кийиб, соchlарини майда ўрган бекасига маҳлиё бўлиб турарди.

Маросим алламаҳалда тугади. Ҳовли эгалари яна ўzlари билан ўzlари қолдилар. Буви юлдузли самога тикилганча дуога кўл очди: “Ё Оллоҳ! Илоҳим Саодатгинам баҳтли-таҳтли, ували-жували бўлсин, унинг қаторида барча мўмин-мусулмонларга баҳт ато қилгайсан! Минг шукурким, энди фарзандимнинг арвоҳи шод бўлади...”

Тун ойсиз, хийла қоронғу эди. Лекин Шаҳодат бувининг юзлари аллақандай нурдан мунаvvар, шунча йиллардан бери баҳтни соғинган ҳовли масрур, шодумон оҳангларга фарқ бўлиб бораради. Кампир кўзларини юмди. Шу заҳоти марҳум чолиу ўғлини бир-бир кўра бошлади...

# “Киш зийнати” салати

## Керакли масаллиқлар:

Картошка – 3 дона.  
Лавлаги – 4 дона.  
Тузланган бодринг – 2 дона  
Кўзиқорин (шампиньон) – 300 гр.  
Яшил нўхот – 200 гр.  
Оқ пиёз – 2 дона.  
Кўк пиёз – 1 боғ  
Майонез – 200 гр.



# “Ноз-ноз” салати

## Керакли масаллиқлар:

Товук гўсти – 200 гр.  
Бринза – 200 гр.  
Дудланган пишлоқ – 200 гр.  
Маринадланган қўзиқорин – 200 гр.  
Тузланган бодринг 3-4 дона.  
Куритилган нон бўлакчалари (сухарик) – 100 гр.  
Салат барги  
Майонез  
Тухум – 1 дона.  
Саримсоқ пиёз – 3-4 бўлакча.



## Тайёрланиши:

Товук гўсти кўлда майдаланиб, тухумга аралаштирилиб, ёдга қовуриб олинади. Алоҳида идишга сухарик, майдаланган саримсоқниёз, 1 ош қошиқ майонез солиниб, (тъбга қараб кўкат кўшишингиз мумкин) аралаштирилади. Қолган масаллиқлар кубик қилиб тўграйди ва алоҳида идишда аралаштирилади.



## Тайёрланиши:

Картошка ва лавлаги сувда қайнатиб олинади.

Оқ пиёз иккига бўлиниб, майда паррак қилиб тўгралиб, бироз сувда чайқаб олинади. Шунда пиёзнинг аччиғи кетади.  
Кўк пиёз ҳам майда тўграйди.



Барча масаллиқлар тўртбурчак шаклида тўгралиб аралаштирилади.

Майонез хушламайдиганлар уни ўрнига салат ёғини солиб, истеъмол қилишлари мумкин. Бунда салат янада витаминларга бой ва фойдали бўлади.


# Турпли салат

## Керакли масаллиқлар:

Турп – 2 дона.  
Қайнатилган қизил сабзи – 2 дона.  
Қайнатилган гўшт – 150-200 гр.  
Яшил нўхат – 75-100 гр.  
Майонез – 0,5 пиёла  
Шивит – 1 боғ

## Тайёрланиши:

Ҳамма масаллиқлар майда сомонча шаклида тўграйди. Тўграйган турпни тахири чиқиши учун бироз муддатга сувга солиб куйинг. Сўнгра, барчаси аралаштирилади.



Салат идиши тубига биринчи бўлиб кўлда майдаланган салат барги, устига кубик қилиб тўгралиб аралаштирилган барча масаллиқлар кетма-кет солинади.



Сўнг, сухарик ва майонез солиниб, устини ҳоҳишингизга қараб, киргичдан чиқарилган пишлоқ ёки пишган тухум сарифи билан безатишингиз мумкин. Ёқимли иштаҳа.



# САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси  
хотин-қизларининг ижтимоий-  
сиёсий, адабий-бадиий,  
безакли журнали  
**1925 йилдан чиқа бошлаган**

12-сон (916) 2020 йил

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Маҳалла ва оиласи қўллаб-  
қувватлаш вазирлиги

БОШ МУҲАРРИР:  
Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Танзила НАРБАЕВА  
Гулнора МАЪРУФОВА  
Муҳаббат ШАРОПОВА  
Ойдин ХОЖИЕВА  
Энахон СИДДИҚОВА  
Саодат БОЙМИРЗАЕВА  
Гулистон МАТЁҚУБОВА  
Гавҳар АЛИМОВА

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Маҳмуда САҶДУЛЛАЕВА

Бўлим мудири:  
Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусахҳих:

Маъмура ЗОҲИДОВА  
Саҳифаловчи:  
Фиёсиддин ЎНАРОВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани  
Мирзакалон Исмоилий Г-1.  
E-mail: [info@saodat-gul.uz](mailto:info@saodat-gul.uz)  
Веб сайт: [www.saodat-gul.uz](http://www.saodat-gul.uz)  
Тел.: (93) 555-45-41, (99) 727-29-65

Босмахонага 30.12.2020 йил  
топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Ботиқ босма.

Нашр ҳисоб тобоги 5,75.

Индекс – 867

**ISSN 2010-541X.** Журнал 2006 йил  
22 декабрда Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигига 0061-рақам  
билин рўйхатга олинган.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма №1195. Адади 1095.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

## Ушбу сонда:

5 УЛАР БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

8 УСТОЗУ ШОГИРДЛАР

12 ЯХШИЛАР ЁДИ

Мақсад Қориев.  
Баҳор келди сени сўроқлаб

ШЕЪРИЯТ

20 Эшқобил Шукур

21 Санобар Фахриддинова

САОДАТЛИ КУНЛАРИМ


22 Салим Ашур

26 Кўчқор Норқобил

НАСР

28 Жўра Фозил

Саодат



Биринчи муқовада:

“Саодат” журнали турли даврларда мана шу ёруғ чехралар, меҳрли кўзлар, илиқ сўзлар билан хона-донларга кириб борган.

## Азиз мухлисларимиз!

Бутун дунёга, шу жумладан, юртимиз бошига тушган синовли кунлар туфайли журналиминг навбатдаги сони ҳам кечикди. Сиздан узр сўраган ҳолда “Саодат”нинг декабрь сонини тақдим қилмоқдамиз. Бу машаққатли, сабоқли дамларни ҳам, албатта, биргаликда ентиб ўтамиз. Маънавият, маърифат инсоннинг бошига тушган ташвишларни енгиллатиш, унга руҳий қувват баҳш этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун бир-биримизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак эканимизга шубҳа йўқ. Демак, биз Сиз учун меҳнат қилишни давом эттирамиз, Сиз ҳам ўз хонадонингиз, оилангиз, маҳаллангиз билан қадрдан нашрингиздан узоқлашмайсиз, деб ишонамиз!



10496  
Ўзб-н

# Азиз опа-синиллар!

Кўп йиллик қадрдонингиз “Саодат” журнали бу йил табаррук 95 ёшига кирди. Юртимизда бўлаётган янгиликлар, элга машҳур инсонларнинг кўнгил манзаралари, муаммолари, кечинмалари ҳақидаги қизиқарли материаллар, тарихий, замонавий мавзудаги насрый, назмий асарларни Сизга тақдим қилиб бормоқдамиз ва мавзулар бардавомдир. Саҳифаларимиз жаҳон адабиёти янгиликларидан ҳам сизларни хабардор қилиб боради.

Энг дилбар, дилкаш, жозибали нашр “Саодат” журнали учун обуна давом этмоқда!

Дини йилиниң муборак бўлоси!

